Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 25 ноябрь 1973 йил, якшанба ◆ № 277 (15.751). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунланмоқда. Энди навбат юқори звено — район ва шаҳар партия конференцияларига келди. Бу йилги ҳисобот-сайловлар партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ курашни гоят кенг қулоч ёзган бир вазиятда ўтмоқда. Бутун совет халқи қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам тўққизинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи йили топшириқларини амалга ошира бориб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида ҳамда республикамизга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқлари Ўзбекистон ишчилари, деҳқонлари ва меҳнаткаш зиёлилари куч-ғайратини тағин ҳам ошириб юборди, уларни Ватан бахт-саодати йўлида тағин ҳам фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантирди. Ана шу юксак кўтаринкилик, партия ва давлат вазифаларини бажаришга бўлган ҳозирлик ишлаб чиқариш кўрсаткичларида айниқса яққол намоён бўлмоқда.

Саноат корхоналарининг коллективлари ўн ойлик планни муддатидан анча илгари бажариб, ҳозир планга қўшимча равишда маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Халқ хўжалигида етакчи ўринни эгалловчи пахта етиштиришда мисли кўрилмаган ютуқларга эришдик. Пахтачилик тарихида биринчи марта 5 миллион тонналик ўлкан хирмонга жуда яқинлашиб қолдик. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги ютуқларимиз ҳам кўз-кўз қилса арзигулик бўлди.

Буларнинг ҳаммасига республикамиз партия ташкилотининг бевосита раҳбарлиги .КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги туфайли эришдик. Партия ташкилотлари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишларини бевосита моддий бойликлар яратилаётган жойларга — корхоналар ва қишлоқлар, колхоз ва совхозларда меҳнат қилаётган фидокорлар орасига кўчириб, меҳнат аҳлини партия ва ҳукумат Директиваларининг сўзсиз бажарилишига сафарбар қила олдилар.

Бу йилги ҳисобот-сайловлар партия XXIV съезди қарорлари амалга оширилаётганлигининг жанговар нўриги шиори остида ўтмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференциялари ўтказиш тўғрисида»ги қарорида барча партия ташкилотларини ва коммунистларни ҳисобот ва сайловлар даврида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракат программаси билан қуроллантирди.

Қарорда уқдириб ўтилганидек, бу галги конференцияларнинг ўзига хос хусусияти ва аҳамияти шундаки, бу анжуманлар КПСС XXIV съездидан кейин биринчи марта ўтказилмоқда ва улар олдимизда турган бундан бўёнги вазифаларни амалга оширишнинг йўл-йўриқларини белгилаб беришга даъват этилган.

Дастлаб партия группалари, цех партия ташкилотлари, кейин эса бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Шуниси қувончлиги, ҳисобот ва сайлов йиғилишлари коммунистларнинг юксак активлигида, таҳлид ва ўз-ўзини таҳлид белгиси остида, ишчанлик руҳида ўтди ва ўтмоқда. Уларда коммунистлар оммасининг аксарияти сўзга чиқиб, бошланғич ташкилотларнинг ролини янада кучайтириш, коммунист деган улуғ номни ҳамиша юқори тутиш, пок сақлаш ҳақида қайғураётганликларини таъкидладилар.

Табиийки, уларда ташкилот фаолиятини янада ҳам кучайтириш юзасидан қимматли фикр ва мулоҳазалар, юқори партия органлари адресига таҳлидий мулоҳазалар билдирилди. Район ва шаҳар партия комитетларининг бурчи — ана шу ҳаққоний ва холисона мулоҳазаларни умумлаштириб, уларни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга оширишдан иборат.

Фарғона область, Киров район партия комитети худди шундай йўл тутди. Райком секретарлари ва пленум аъзолари 86 бошланғич ташкилотнинг ҳаммасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида қатнашишди. Билдирилган фойдали таклиф ва мулоҳазалар юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди, баъзилари эса район партия конференцияси муҳокамасига ҳавола этилди.

Райком конференцияга тайёргарликни икки ой олдиноқ бошлаб юборган эди. Конференцияни ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган планда ишлаб чиқаришга раҳбарлик, маркса-ленинча ва иқтисодий ўқиш, ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий ишлар, совет, касаба уюшмаси, комсомол ва жамоат ташкилотларига раҳбарлик сингари масалаларни комплекс ўрганиш бўйича салкам 100 кишидан иборат ветеран коммунистлар жалб этилди. Бир ой ичида ҳамма масалалар чуқур ўрганилиб, муфассал маълумотлар тўпланди. Шундан кейин ҳисобот докладини тузишга киришилди. Унга райком бюроси аъзолари, секретарлар, комитет аъзолари, райком аппарати ходимлари жалб қилинди. Натижада кейинги уч йил мобайнида қилинган ишларнинг якунигина баён қилинмаб қолмай, балки тўпланган тажрибалар умумлаштирилди; йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг сабаблари рўй-рост очиб ташланди.

Конференция очилишига ўн кун қолганда доклад лойиҳаси райком пленумида кўриб чиқилди. Унда докладга бир қатор жуда муҳим мулоҳаза ва қўшимчалар киритилди.

Республикада биринчилар қатори бўлиб ўтган партия конференцияси ниҳоятдаги ишчанлик руҳида ўтди. Соғлом, яратувчи, илҳомбахш таҳлид руҳи докладдан тортиб музокараларда сўзланган нутқларгача сезилиб турди. Худди шундай вазият — топширилган ишга юксак масъулият ҳисси ва коммунистларнинг авангардлигини ошириш тўғрисида чуқур ғамхўрлик руҳи Бухоро область, Навоий шаҳар партия конференцияси ишида ҳам бошдан-охиригача ҳукмрон бўлди.

Яқин кунларда республикамизнинг бошқа район ва шаҳарларида ҳам партия конференциялари бошланади. Вазифа — уларда ҳам юксак ишчанлик вазиятини вужудга келтиришдан, халқ хўжалик вазифаларини бажаришнинг аниқ йўл-йўриқларини, беш йиллик планни муддатидан илгари ошириб адо этиш учун мавжуд резерв ва имкониятларни тўла ишга солиш тадбирларини белгилаб олишдан иборат.

Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали мажлисда Ўзбекистон партия ташкилоти ишига юксак баҳо берди ва «бундан буён ҳам Ўзбекистон Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлашга, барча республикаларнинг, Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлигини ва қардошлигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини янада кўпайтиради» деб қатъий ишонч билдирди. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай партия конференциялари партиямизнинг ана шу юксак ишончига лойиқ бўлиш шиори остида ўтади.

ҲИНД ХАЛҚИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ВИЗИТИНИ ҚИЗҒИН ТАБРИКЛАМОҚДА

•

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

•

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

•

МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ЯНАДА КЎПАЯДИ

ИККИ РАПОРТ

НУКУС, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Қорақалпоғистон Автоном республикаси чорвадорлари жун, тухум тайёрлаш йиллик планларини ошириб бажардилар. Давлат қабул пунктларига 1510 тонна ўрнига 1533 тонна жун, 15 миллион 950 минг дона ўрнига 16 миллион 272 минг дона тухум топшириб берилди.

Жун, тухум тайёрлаш планларининг ошириб бажарилишига Тўртқўл, Амударё, Шуманай, Тахтакўпир, Хўжайли районлари чорвадорлари ва паррандабоқарлари катта ҳисса қўшдилар.

Автоном республика хўжаликларида жун, тухум тайёрлаш қизғин давом этмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхоз сут-товар фермаси ходимлари соғин сигирларни яхши парвариш қилиб, уларнинг маҳсулдорлигини оширишяпти. Чорвадорлар ўртасида бошланган социалистик мусобақада Тошой Қорабоева пешқадамлик қиляпти. Бу йил илғор сут соғувчи ўз боқимидаги ҳар бир сигирдан 2600 литрдан серқаймоқ сут соғиб олиш учун курашмоқда. Суратда: моҳир сигир соғувчи Т. Қорабоева.

А. Тўраев фотоси

«Голодностепстрой» бошлиғи, Ленин мукофоти лауреати Тўхтамиш Бойжиновга уч савол

—«Голодностепстрой»га қарашли хўжаликларнинг пахтакорлари 1973 йилнинг қандай кўрсаткичлар билан якунлаётганликлари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ЧОРВА

—Мирзачўлнинг янги зонасини Ўзбекистоннинг хазинаси дейиш мумкин. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликлари, барча қонқардош халқларнинг ёрдами билан Мирзачўл Мирзагулистонга айланмоқда, совет кишилари ҳам, хорижий эллардан келган меҳмонлар ҳам Мирзачўлни пахтачиликдаги прогрессив усуллар лабораторияси деб атамоқдалар. Бу — ҳақ гап! Янги зона ерларини ўзлаштириш, пахта етиштиришни кўпайтиришда ақл бовар қилмайдиган ишлар қилинмоқда, пахтачилик фан-техника ютуқлари, механизация ва химизация асосига қурилмоқда. Битта совхоз тузилишига давлат йўли билан 35-40 миллион сўм маблағ сарфланяпти. Шу маблағ пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўли билан беш-олти йилда ундириб олиниб, совхозлар фақат соф фойда келтирувчи хўжаликларга айлантириляпти.

Бир мисол келтираман. 1973 йилдагина «Голодностепстрой»га қарашли хўжаликлар 260 минг тонна пахта тайёрлади. Биз янги совхозларни мукаммал қуриб бўлгандан кейин Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги ихтиёрига топширамиз. Ҳозир шундай совхозлардан тўрттасини топширдик. Улар тайёрлаган пахта ҳам қўшиб хисобланадиган бўлса, ҳужжатларимиз тўққизинчи беш йиллиннинг учинчи йилида она-Ватанга 320 минг тоннага яқин «оқ олтин» етказиб бердилар.

Пахта тайёрлаш плани, халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятларни бажариш пахтакорларимизнинг энг яхши одати бўлиб қолди, буни табриклаш керак. Лекин масаланинг бошқа томонини ҳам унутмаслигимиз лозим. Пахта қандай меҳнат эвазига етиштириляпти, сорти қандай, енгил саноатимизнинг ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб берадими, ҳар бир ишловчи ҳисобига неча тонна пахта тайёрланяпти, теримда машиналар ҳукмронлиги таъминланганми, маҳсулот таннархи арзонлашяптими, рентабеллик қандай? Масаланинг бу томонларини оладиган бўлсак, совхозларимиз катта муваффақиятларга эришаётганини таъкидлаб ўтиш мароқлидир.

Титов номли 6-совхоз 20 минг тоннадан зиёд пахта тайёрлади. «Фарғона», Ленин номли, «Пахтакор», «Самарқанд», «Правда» ва бошқа ўнлаб совхозларимизнинг коллективлари ҳам кўп, сорти юқори, таннархи арзон пахта етиштиришда катта ғалабаларга эришдилар. Машиналар янги зона хўжаликларида ҳал қилувчи қудратли кучга айланди.

Совхозларимиз давлатга катта иқтисодий фойда келтиряпти дедим. Сўзимнинг исботи учун айрим рақамларни тилга олмоқчиман. Титов номли 6-совхозгина ҳар бир ишловчи ҳисобига пахта етиштиришни кўпайтириб, маҳсулот таннархини арзонлаштириб 3,5 миллион сўмга яқин соф фойда келтирди. Шуниси диққатга сазоворки, Комсомол номидаги 25-, Султон Сегизбоев номли, Охунбобоев номли, Кинанов номли 26-А, Усмон Юсупов номли 10-, Акмал Икромов номли 26-ва бошқа қатор совхозларимиз ҳам ҳисобсиз, хусусан пахта етиштиришни кўпайтириш, дала ишларини комплекс механизациялаш йўли билан кўплаб соф фойда келтирмоқда.

Экономиканинг гуркираб ўсётгалиги чўлқуварлар фаровонлиги ва маданиятини муттасил юксалтириш учун ҳамма қулайликларни яратмоқда. Чўлқувар механизаторларнинг ойлик, йиллик иш ҳақи йил сайин 25—30 процент, айрим совхозларда 40 процент ва ундан кўпроқ ошмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чўлга ҳужумни янада кучайтириш масаласини кун тартибига қўйди. Чўлқуварларимиз бу чақириққа лаббай деб жавоб бермоқдалар. Яна ўнлаб янги совхозлар қурамиз, асрий Мирзачўл ерларини тўла ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. Бугина эмас. Жиззах ва Фориш чўлларини ҳам ўзлаштирамиз. Шунда пахта етиштириш янада кўпаяди.

— Янги зонадаги хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш қандай борянти, шу соҳадаги ютуқларни таъкидлаб ўтсангиз.

— Бу — жуда муҳим масала. Бир кезларда янги совхозлар фақат пахтачиликка ихтисослаштирилган, чорвачиликни йўлга қўйиб бўлмайди, деган зарарли қайфият бор эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бу фикрга қаттиқ зарба бердилар, пахтачилик маконига айланаётган Мирзачўл чорвачилик масканига ҳам айланиш зарурлигини таъкидладилар. Кенг жамоатчилик бу фикрни тўла қуллаб-қувватлади.

Чўлқуварларимиз комплекс механизация асосига қурилган чорвачилик фермалари комплекслари қуриш, озуқа базасини мустаҳкамлашга киришдилар. Ҳар қадамда давлатимизнинг моддий-техника ёрдамини сезиб турдик. Бугунга келиб «Андижон», «Фарғона», Акмал Икромов номли 26-, Комсомол номидаги 25, «Правда», «Пахтакор», Ленин номли, «Янгиер» совхозларида йирик чорвачилик комплекслари қурилганини айтиб ўтиш керак.

Қурилишни жадал давом эттирямиз. Усмон Юсупов номли 10-, Охунбобоев номли, генерал Узоқов номли, Абай номли ва бошқа совхозларимизда ҳам шундай чорвачилик комплекслари қурилляпти.

Ҳозир чорвачилик соҳасидаги кўрсаткичларимиз қўйидагича: салкам 2 минг бош қорамолга эгамиз. Бир йилда қорамоллар сони 2530 бош кўпайди. Сигирларимиз 1793 бошга етди, бу бултургидан 582 бош кўпдир.

Энди маҳсулот етиштиришни кўздан кечирайлик. Бу йил чорвачилик комплекслари ва сут-товар фермаларида 3200 тонна сут тайёрланиши керак эди, шу кунгача 3453 тонна, ўтган йилдагига қиёслайдиган бўлсак, 1603 тонна кўп сут тайёрланди, Шунингдек, ўтган йилга караганда 171 тонна зиёд гўшт етиштирилди, давлатга 530 тонна гўшт армуғон этилди.

Чорвачиликни шаҳдам тараққий эттираётган, кўп маҳсулот олаётган совхозларимиз кўп, «Фарҳод», «Пахтакор» совхозларимизгина ҳар йили 500-580 тонна сут, кўплаб гўшт, тухум тайёрлаяпти. «Янгиер» совхозимиз ҳам шундай кўрсаткичга эришяпти. Вера Митанова, Ҳосият Абдуллаева ва Рўзигул Довидовалар ҳар бош сигирдан 3000 литрдан сут соғиб олиб, байроқдор бўлишяпти. Молбоқар Абдухолиқ Умрзоқов боқимидаги қорамолларни ҳар куни бир килограммга етказиб семиртиряпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Чорвачиликнинг истиқболи қандай!

— Чорвачилик ҳамма хўжаликларимизда комплекс механизациялашган рентабелли тармоққа айлантирилади. Чўлқувларларимиз, уларнинг оила аъзолари ўзимизда етиштирилаётган сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан тўлиқ таъминланади, ундан ташқари шаҳарлик дўстларимизга кўплаб чорвачилик маҳсулотлари армуғон этиш ниятимиз бор. Ҳозир пахтабеда алмашлаб экишни жорий этиш йўли билан бедазорларни 10 минг гектарга етказдик, маккажўхоризорлар кенгайтирилляпти, ҳосилдорликни ошириш чоралари кўрилляпти.

ҲИНДИСТОН Л. И. БРЕЖНЕВНИ КУТМОҚДА



ҲИНДИСТОН-ДЎСТИМИЗ

◆ Кералла штатидаги қизлар (юқоридаги сурат).

◆ Ҳинд шаҳарларининг янги кварталлари.

◆ Ҳинд балиқчилари (пастдаги сурат).

И. Покровский фотоси.

(«Комсомольская правда»дан).

ДЕҲЛИ, 23 октябрь. (ТАСС). Ҳозирги илиқ ноябрь кунлари ҳинд халқи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 26 ноябрда бошланадиган визитини орзиқиб кутмоқда. Деҳли кўчаларида, парламент, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг биноларида — ҳамма жойда Л. И. Брежнев портретларига, «Хуш келибсиз, ўртоқ Л. И. Брежнев», «Л. И. Брежнев — халқ тинчлиги ва бахт-саодати учун оташин курашчи» сўзлари ёзилган ранг-баранг транспарантларга кўзингиз тушади.

«Пиплз паблишинг ҳауз» — мамлакатдаги энг катта нашриётларнинг бири, Нашриётнинг босма машиналари: «Сиз, азиз Леонид Ильични Ҳиндистон халқи табриклайди!», «Брежнев —Ҳиндистоннинг самимий ва ишончли дўсти!, «Ҳинд халқи билан совет халқининг дўстлиги Осиёда ва бутун дунёда тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади!» деган плакатларни неча ўн минглаб нусхада босиб чиқармоқда.

Мамлакатларимиз муносабатлари тарихидаги буюк воқеанинг яқинлашиб келаётганлиги ҳамма жойда равшан сезилиб турибди, деб ёзади пойтахтдаги «Таймс оф Индия» газетаси. Улуғ Ленин мамлакати тўғрисидаги, совет давлатининг сиёсати ҳақида кўп минг нусхада нашр этилаётган китоблар ва брошюралар ҳиндларнинг Совет Иттифоқига нақадар ҳайрихоҳ эканлигини ифодалайди. Совет — Ҳиндистон дўстлигини мустаҳкамлаш шиорлари остида бутун мамлакатда ўтказилаётган митинглар ва йиғилишлар ҳам шунинг далилидир. Бош министр Индира Гандининг қуйидаги сўзлари Ҳиндистоннинг СССР билан муносабатларини бундан буён ҳам муваффақиятли равишда ривожлантириш муддаосини ифодалайди: «Совет Иттифоқининг 250 миллионли халқи билан мамлакатимизнинг 560 миллионли халқи тинчликка интилмоқда, бутун дунёда тинчлик ва адолат ўрнатишга бундан буён ҳам тинимсиз ҳаракат қилиб беради».

Ҳиндистон марказий парламентининг турли сиёсий партияларга мансуб бўлган 300 дан ортиқ депутатлари бугун қўшма баёнот эълон қилиб, Леонид Ильич Брежневнинг визитини табриклидар. Ҳиндистон парламенти аъзолари Ҳиндистон халқига, турли сиёсий партиялар ва ташкилотларга мурожаат қилиб, Совет Иттифоқидан келаётган олий меҳмонни самимий, қизғин кутиб олишга чақирдилар.

Л. И. Брежневнинг ҳиндлар диёрига келиши, деб таъкидланади баёнотда, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи халқлари ҳаётида унутилмас тарихий воқеа бўлиб қолиши ва Ҳиндистон — Совет дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлаши керак. Биз совет халқининг улуғ раҳбари Леонид Ильич Брежневнинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ишига шахсан қўшган ҳиссасини гоят юксак даражада қадрлаймиз. Бу эса совет халқининг тинчликка бўлган эҳтиросли ва самимий интилишини акс эттиради.

Баёнотда Ҳиндистон миллий экономикасини ривожлантиришда Совет Иттифоқининг кўрсатаётган холисона ёрдамига юксак баҳо берилган. Парламент аъзолари яллпи тинчликни таъминлаш соҳасида халқаро майдонда ҳар иккала мамлакат ўртасида мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорликни табриклайдилар».

«Ҳиндистоннинг ҳукумат доираларида, — деб ёзади давлат меҳнат министри Рагҳунатха Редди, — атоқли совет раҳбари Л. И. Брежневнинг визити Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деган фикрга ҳамма қўшилмоқда. Иккала мамлакатнинг умумий мақсадлари бир, улар тинчлик ишини биргаликда қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар, империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши курашмоқдалар, Совет Иттифоқи ривожланаётган мамлакатлардаги прогрессив социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишда беғараз ёрдам бермоқда».

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Бхилаида металлургия заводи қурилиши тўғрисида СССР билан Ҳиндистон ўртасида 1955 йилда имзоланган битим мамлакатларимиз кенг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг бошланишига асос бўлди. Ўтган йиллар ичида СССРнинг ёрдами билан Ҳиндистонда металлургия заводлари ва электр станциялар, металлургия ва электр техника ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар, бошқа объектлар қурилди.

Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг ташқи савдосида жуда катта роль ўйнамоқда. Кейинги йиллар ичида бу иккала мамлакат ўртасидаги товар оборот анча кўпайди ва 1972 йилда 450 миллион сўмдан ошиб кетди.

ТАСС мухбирлари мамлакатимиз корхоналарида Ҳиндистоннинг янги буюртмалари бажарилаётганлиги тўғрисида хабар қилмоқдалар.

◆ **ОЛМАОТА.** Олмаотадаги оғир машинасозлик заводи коллективи Ҳиндистонда қурилаётган катта пропат стани учун керакли рольганглар тайёрлашга киришди. Бу ускуналарнинг ҳаммасини шу йил охиригача Ҳиндистонга жўнатишга қарор қилинди.

Кейинги йилларда совет ташқи савдо ташкилотлари Қозоғистон корхоналарида ишлаб чиқарилган жуда чўп хилма-хил ускуналарни Ҳиндистоннинг ёш саноати корхоналарига етказиб бердилар. Улар дўст мамлакатдаги 14 та саноат корхонасини қуриш ва ускуналашда қатнашдилар. Юз нафарга яқин ҳинд ишчилари ва инженерлари Олмаотага келиб, машинасозлик ускуналарини ишлатишнинг янги методларини ўрганиб кетишди.

◆ **ЕРЕВАН.** В. И. Ленин номидаги Ереван электр машинасозлик заводи тропик шароитда ишлатишга мўлжалланган янги типдаги асинхронли электр двигателлар ишлаб чиқаришни ўзлаштира бошлади. Шу буюмларни юборишни сўраб буюртмалар берган мамлакатлар орасида Ҳиндистон ҳам бор. Совет электр машинасозлари ўз маҳсулотларини Ҳиндистонга бир неча йилдан бери юбориб туришибди. Жумладан, Ереван корхоналарида ясалган иўчма электр станциялар ва трансформаторлар мамлакатимизнинг ёрдами билан қурилган Бхилаи ва Бокародаги металлургия заводларида ишлаб турибди. Қуввати катта-роқ электр двигателларни йиғиш учун керакли материаллар ва бутловчи деталлар Ҳиндистон саноатининг шана шу ёш тармоғига қарашли бошқа корхоналарга ҳам юборилмоқда.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

«Узсельхозтехника» Фарғона область бирлашмаси устахонасидан ремонтдан чиқарилган тракторлар, тупроқ ишлаш агрегатлари кун сайин колхозларга жўнатилиб турибди. Машиналар чигит экишда ва ғўза парваришида бенуқсон ишлашидан далолат берувчи талонлар механизаторларга топширилмоқда. Турли маркадаги 3350 трактор, яъни ўтган йилнинг шу давригача бўлганидан анча кўп трактор қўлдан чиқарилди.

Чигит экиш техникасини ремонт қилиш махсус корхоналарда олиб борилмоқда. Бир қанча корхоналарда сийқаланган деталларни қайта тиклаш цехлари барпо этилди. Қува, Охунбобоев, Олтиариқ район бирлашмаларининг устахонасида механизаторлар тайёрлаган махсус қурилмалар ўрнатилди. Бу қурилмаларда тракторлар қисмларга ажратилмаган ҳолда тозаланиб олинади. Бу тадбир ремонт сифатини яхшилади ва муддатини қисқартирди.

Фарғона областининг қишлоқ ремонтчилари жамини машина, механизмларни баҳорги дала ишларига тайёрлашни барвақт тугаллашга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

СОВЕТ-КАНАДА АХБОРОТИ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Канада ташқи ишлар министри М. Шарп 1973 йил 18 ноябрдан 24 ноябргача расмий визит билан СССРда бўлди.

М. Шарп ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Совет Иттифоқида бўлган чоғларида Москвадан ташқари Кавказнинг Қора денгиз соҳилига, Киев ва Ленинградга бордилар. Улар совет халқининг ҳаёти билан ҳамда унинг экономика, фан ва маданият соҳаларида эришган муваффақиятлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Канада ташқи ишлар министри Москвада ва Киевда Номаълум солдат қабрларига ҳамда Ленинграддаги Пискарев мемориал қабристонига гулчамбарлар қўйди.

Канада ташқи ишлар министрини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Канада ташқи ишлар министри М. Шарп ўртасида совет-канада муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан ҳамда ҳар иккала мамлакатни қизиқтирувчи халқаро проблемалар юзасидан батафсил музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда: совет томонидан— СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. П. Козирев, СССРнинг Канададаги элчиси А. Н. Яковлев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси В. П. Суслов ва бошқа расмий кишилар; Канада томонидан — Канаданинг Совет Иттифоқидаги элчиси Р. Форд, Канада ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ж. Холстед, Канада Ташқи ишлар министрлиги бюроларининг бош директорлари Э. П. Блэк ва А. С. Макгилл, шунингдек Канада Ташқи ишлар министрлигининг бошқа масъул ходимлари иштирок этдилар.

Музокаралар Совет Иттифоқи билан Канада ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларига хос бўлган ошкора, самимий ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Томонлар сўнгги йилларда совет-канада муносабатлари муттасил кенгайиб бораётганлигини ҳамда 1971 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Канадага визит билан борганлиги ва Канада бош министри П. Э. Трюдонинг Совет Иттифоқига визит қилиб келганлиги шу муносабатларни ривожлантириш учун муҳим омил бўлганлигини маммнуият билан қайд қилдилар. Улар 1971 йилда эришилган битимлар ва келишувлар тинч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принциплари СССР билан Канада ўртасидаги муносабатларнинг негизи учун асос бўлганлигини ва сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий соҳаларда, шунингдек маориф ва маданият соҳасида совет-канада муносабатларини янада ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам конструктив база эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Томонлар 1971 йил 19 майдаги маслаҳатлар тўғрисидаги совет-канада протоколининг фойдали эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтдилар. Улар ана шу протокол мақсадларига амал қилиб, ҳар икки томонни қизиқтирувчи муҳим халқаро проблемалар юзасидан ва икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан олиб бориладиган сиёсий маслаҳатларни янада кучайтириш учун ана шу протокол имкониятларидан янада кенгроқ ва мунтазам суратда фойдаланиш лозимлиги тўғрисида фикр билдирдилар.

Томонлар ҳар икки мамлакат ўртасида мавжуд битимлар ва келишувларни янги мазмун билан бойитишни ҳамда турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришни кўзлаб ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатдорлик руҳидаги куч-ғайратни бундан буён ҳам кучайтириш ниятида эканликларини таъкидладилар.

Ҳар икки мамлакат давлат ва сиёсий арбоблари, савдо ташкилотлари, фан ва техника, маданият, жамоат ташкилотлари намояндалари ва туристлар ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайтирилганлиги мамнуният билан қайд қилиб ўтилди. Ана шу алоқаларни иккала томон бундан буён ҳам кучайтириш ниятида эканлиги изҳор қилинди.

Саноатда фан ва техника ютуқларини қўлланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1971 йил 27 январда тузилган битимга мувофиқ иқтисодий, фан-техника соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан биргаликда сарфланган куч-ғайрат натижасида эришилган тараққиётни ҳар икки томон кўриб чиқди. Аралаш комиссиянинг шу йил октябрь ойида Москвада бўлиб ўтган учинчи сессиясида эришилган келишувларнинг бажарилиши яқин келажакда ҳар иккала томон учун фойдали бўлган конкрет иқтисодий натижалар келтириши лозим деган фикрга ҳар икки томон қўшилди. Томонлар шунингдек СССР билан Канада ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-сотиқни янада кенгайтириш учун талай имкониятлар бор, деб ҳисоблайдилар.

Иккала мамлакат ўртасида айрибошлаш тўғрисида тузилган умумий битим илмий, маданий ҳамда бошқа соҳаларда айрибошлашни ва ҳамкорлик қилишни кучайтиришга ва ривожлантиришга олиб келганлигини ҳар икки томон мамнуният билан қайд қилиб ўтди. Улар ана шу битимга мувофиқ тузилган аралаш комиссиянинг иши ижобий натижалар беради, деб умид билдиридилар. Бу комиссия 1974—75 йилларда айрибошлашнинг келишиб олинган программасини ишлаб чиқиш учун шу йил декабрь ойида Оттавада ўзининг иккинчи сессиясини ўтказиши лозим. Ҳар икки томон Арктика районларининг СССР учун ҳам, шунингдек Канада учун ҳам муҳим эканлигини таъкидлаб, ўзаро манфаатдорлик асосида бу соҳада кенгроқ ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар мавжуд деган фикрга қўшилдилар.

Томонлар СССР билан Канада ўртасида денгизда кемалар қатнови тўғрисида битим тузиш ҳақидаги музокаралар муваффақиятли тугаланади, деб умид билдирдилар.

Министрлар халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олиш чоғида кескинлик юмшашининг кучайиб бораётган жараёни, давлатлар хавфсизлигининг ва тинч ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши ҳозирги замон халқаро муносабатларини ривожлантиришда белгилаб берувчи тенденция бўлиб қолди, деб ишонч билдирдилар. Улар мустаҳкам ва ишончли тинчликни таъминлаш мақсадида СССР ва Канада ҳукуматлари ана шу тенденцияни мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашиш ниятида эканликларини изҳор қилдилар.

Ҳар икки томон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик юзасидан Хельсинкида бўлиб ўтган кенгашнинг биринчи босқичи ҳозир Женевада давом эттирилаётган музокараларнинг иккинчи босқичи учун яхши негиз яратиб берди, деган фикрга қўшилди. Томонлар ана шу музокараларга катта аҳамият бериб, бу музокараларни конструктив руҳда ва ишчанлик билан давом эттириш зарур деб ҳисоблайдилар. СССР билан Канада Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг қисқа вақт ичида муваффақиятли тугалланишига кўмаклашишга шай эканлиги таъкидланди ва кенгаш қарорлари Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, шу қитъадаги халқлар ўртасида ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантириш вазифасига мос бўлиб тушиши учун ҳар икки томон интилаётганлиги изҳор этилди. Улар кенгаш иккинчи босқичининг муваффақиятли тугалланиши унинг учинчи босқичини юксак даражада ўтказиш имконини беради, деб ҳисоблайдилар.

Марказий Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш юзасидан шу йил 30 октябрда Венада музокаралар бошланганлигини ва бу билан боғлиқ бўлган тадбирларни ҳар икки томон мамнуният билан қайд қилдилар. Улар ана шу музокаралар Европада кескинликни юмшатиш ва ҳамкорликни кенгайтириш борасида давом этаётган жараённинг муҳим элементидир, деган фикрга қўшилдилар. Улар томонлардан биронтасининг хавфсизлигига путур етказмаслик принципига қатъий риоя қилиш ана шу музокараларда ўзаро мақбул қарорларга эришишнинг зарур шарти деб ҳисоблайдилар.

Томонлар қатъий ва самарали халқаро контроль остида ядро қуроли шунингдек одатдаги қурол-яроғларни ўз ичига олувчи ялпи ва батамом қуролсизланишга эришиш мақсадини қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидладилар. Улар зўр бериб қуролланишни тўхтатиш учун ва қуролсизланишга, айниқса ялпи қирғин қуроли бўлган ядро, бактериология ва химиявий қурол соҳасида бунга эришиш учун бундан буён ҳам амалий қадамлар қўйиш зарур деб ҳисоблайдилар. Ядро қуролини атмосферада, космик фазода ва сув остида синаб кўришни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома, бактериология (биология) ва заҳарли қуроллар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва запасларни тўплашни тақиқлаш тўғрисидаги ҳамда шу қуролларни йўқ қилиб юбориш ҳақидаги конвенция бу соҳадаги муҳим ютуқлар бўлди. Совет Иттифоқи билан Канада химиявий қурол-яроғни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқариш ва запасларни тўплашни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиб юбориш тўғрисидаги битимларга яқин вақт ичида эришиш учун қуролсизланишга бағишланган комитетда сарфланаётган куч-ғайратни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Ҳар икки томон қуролсизланиш юзасидан бошқа қисман тадбирлар қабул қилинишига кўмаклашишни давом эттириш ниятидадир. Улар тегишли вақтда қуролсизланиш бағишланган жаҳон конференциясини чақириш қуролсизланиш проблемаларининг бутун комплексини кўриб чиқмоқ учун фойдали бўлур эди, деган фикрга қўшиладилар.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар ҳарбий бюджетларини 10 процент қисқартириш тўғрисида ва тежаб қолинган маблағларнинг бир қисмидан ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш учун фойдаланиш ҳақида Совет Иттифоқи БМТ муҳокамасига киритган таклиф юзасидан музокаралар чоғида конструктив фикрлашиб олинди.

Яқин Шарқдаги аҳвол кўриб чиқилган вақтда шу районда ўт очишнинг ва уруш ҳаракатларининг тўхтатилганлигидан мамнуният изҳор қилинди. Министрлар СССР билан Канада бошқа мамлакатлар билан биргаликда можарода қатнашаётган барча томонлар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарорларини, жумладан: 1967 йил 22 ноябрдаги 242 резолюциясини, 1973 йил октябрь ойидаги 338, 339 ва 340 резолюцияларни сўзсиз ва изчиллик билан бажариш асосида Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчлик ўрнатишга кўмаклашишга қатъий қарор берганликларини айтдилар. Ҳар икки томон Хавфсизлик Кенгашининг қарорига мувофиқ Яқин Шарққа юборилган ва Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлигида иш кўраётган БМТ фавқулодда қуролли кучлари Хавфсизлик Кенгаши қарорлари талаб қилганидек бу районда вазиятни нормаллаштиришда ёрдам бериши лозим, деб ҳисоблайди.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставига қаттиқ риоя қилиш асосида шу ташкилотнинг самарадорлигини кучайтиришга кўмаклашишга қатъий қарор берганликларини айтдилар. Ҳар икки томон БМТ ўзининг асосий куч-ғайратини халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга ва мустаҳкамлашга, давлатлар ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантиришга қаратиши лозим деб ҳисоблайди.

Томонлар денгиз ҳуқуқига бағишланиб ўтказиладиган халқаро конференция тўғрисидаги масала юзасидан фикрлашиб олгач, барча давлатларнинг манфаатларини назарда тутиб, халқаро асосда ана шу конференцияда кўриб чиқилиши лозим бўлган проблемаларни ҳал қилишни ёқлаб, фикр билдирдилар.

СССР билан Канада ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг ривожлантирилиши совет ва Канада халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, деган фикрга амал қилади.

Музокараларнинг охирида Канада ташқи ишлар министри М. Шарп Совет Иттифоқида самимий меҳмондўстлик билан кутиб олинганлиги учун мамнуният ва миннатдорчилик изҳор қилди ҳамда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони ҳар икки томон учун қулай бўлган вақтда Канадага боришга таклиф этди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Суратда: Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасининг иккинчи филиали 6-цехининг илғор ишчиларидан Р. Шангараева билан М. Тухфатуллиналар. Улар смена топшириқларини ошириб бажариб, мусобақада олдинда боришмоқда.

А. Тўраев фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада капитал қурилишни ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг биринчи ўринбосари Иван Каленникович **Бородавкони** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика план, молия органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва совхоз ишлаб чиқариши экономикасини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун пенсионер Игорь Иванович **Крюковга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвонини берди.

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада савдо ишларини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда шу системада кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон республика «Узоптбакалея» улгуржи конторасининг бошқарувчиси Мактуба Муҳамедовна **Сандовага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» фахрий унвонини берди.

Советлар мамлакатида

● ДОМНА ИШГА ТУШИРИЛДИ

НОВОТРОИЦК. Орск — Халиловск металлургия комбинатининг янги, тўртинчи домнаси ишга туширилиб биринчи чўян бера бошлади. Биринчи чўянни қуйиш шарафига мастер В. М. Баранков бригадаси муяссар бўлди.

Йилига бир ярим миллион тонна металл бера оладиган янги домна планда белгиланганидан 42 кун ва қурувчи ҳамда металлургларнинг социалистик мажбуриятида кўзда тутилганидан уч ҳафта илгари ишга туширилди. Улар йириқ металлургия комплексини қисқа муддат ичида фойдаланишга топшириш билан ишларнинг юқори сифатли бўлишини таъминладилар. Давлат комиссияси янги комплексни «яхши» баҳо билан қабул қилди.

● ЕРЛАР САХОВАТИ

КИЕВ. Запорожьенинг қўриқ ерларидан ўн саккиз ярим минг гектари ўзлаштирилди. Бунга КПСС XXIV съезди Директивларида кўзда тутилган Шимолий—Рогачинский суғориш системасининг биринчи навбати ишга туширилиши натижасида эришилди. Об-ҳаёт Васильевский ва Каменск — Днепровский районларининг саккиз хўжалиги ерларига ҳаёт бағишлади.

Дастлабки ҳосил мўл-кўл бўлди. «Степной» совхозида кузги буғдойнинг ҳар гектаридан 46,8 центнердан, «Россия» совхозида эса 47 центнердан ғалла ҳосили ўрибйиғиб олинди. Сув келтирилиши натижасида бу хўжаликлар ҳар йили олти миллион сўмдан соф фойда олиш имконияти яратилди.

50,5 минг гектар ерни суғориш системасининг иккинчи навбати қурилиши бошлаб юборилди.

● ШАХТЕРЛАР ШУҲРАТИ

ТУЛА. «Новомосковскуголь» комбинатидаги илғор комплекс механизациялашган ва автоматлаштирилган «Зубовская» шахтасининг коллективи яқинда сўнгги тонна ёқилғини истеъмолчиларга жўнатиб, учинчи беш йиллик планини бажаришди. Шахтерлар ўрта ҳисобда икки юз эллик—уч юз тоннадан кўмир қазиб, бир суткалик топшириқларини мунтазам ошириб бажаришмоқда. Бу ерда меҳнат унумдорлиги планда белгиланганига қараганда ошиб бормоқда. Ҳозир меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 10,7 процент ортиқдир.

● РАВОН ЙЎЛЛАР

ОЛМАОТА. Янги айланма автомобиль йўлидан автобуслар қатнай бошлади. У Мўйин қум чўлидаги барча йирик аҳоли пунктларни ва чорвадорларни тоғлиқ Тянь-Шань билан мунтазам боғлаб туради. Натижада Қозоғистон жанубий билан маданият ва саноат маркази йил давомида транспорт алоқаси билан таъминланди.

(ТАСС).

Планетамизда

ЧИЛИ ХУНТАСИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

● ГАВАНА. Сантьягодаги Венесуэла элчихонасининг ёрдами туфайли хунта зиндонларидан қочиб чиқишга муваффақ бўлган бир группа чилиликлар Кубага келди. Улар журналистлар билан суҳбатда Чили ҳарбийлари халқ бирлиги ҳукумати тарафдорларига, мамлакатнинг барча тараққийпарвар кучларига жуда қаттиқ азоб бераётганлигини айтдилар. Вальпараисо вилоятининг собиқ префекти Карлос Гонсалес қамоққа олинганидан кейин жуда шафқатсиз қийноққа солинган эди. Мени, деди у, пойтахтдаги «қиргин майдонига» айлантирилган «Насиональ» стадионига ташлаб қўйишди.

И. Гонсалес Досон оролида сақланаётган маҳбуслар жуда қийин шароитда қолганлигини қиноя қилиб берди.

● КАРАКАС. Исёнчиларнинг зиндонида қамалиб чиққан венесуэллалик студент Энрике Дуран Досон оролидаги маҳбусларни Чили ҳарбийлари йиртқичларча қийноққа солаётганлигини қиноя қилиб берди. Э. Дуран Венесуэла пойтахтида ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, турмачилар маҳбусларга электр токи билан азоб бераётганликларини, музден сувга бир неча соатлаб ташлаб қўяётганликларини, сигареталарни маҳбусларнинг танасига тутиб куйдираётганликларини, х у л л а с гитлерчилар қўлланган воситаларни ишлатаётганликларини айтди. Пунта аренас шаҳридаги коммунистик партия комитетининг раҳбари Франсиско Аларконни нема тумшуғига боғлаб қўйиб бир неча марта музден сувга ботириб олишди деди Дуран.

● БУЭНОС-АЙРЕС. Бу ердан олинган маълумотларга қараганда, Чилининг шимолида ташкил этилган қамоқ лагерида тараққийпарвар журналистларнинг кўпи қамалиб ётибди. Булар орасида Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси, «Сигло» газетасининг директори Родриго Рохас, шу газета ходими Гильермо Торрес, «Неарин» газетасининг директори Альберто Гамбоа, «Насьон» газетасининг директори Оскар Вайс ва «Пунто Финаль» журналининг директори Мануэль Кабъесес ҳам бор.

Ҳарбий тўнтаришдан сўнг ҳарбий хунта мана шу матбуот органларининг ҳаммасини дарҳол ёпиб қўйган эди.

(ТАСС).

ПЕКИН ПРОПАГАНДАСИНИНГ БЕҲУДА УРИНИШЛАРИ

Жаҳондаги миллион-миллион тюристик сиёсати натижасида кишилар ҳозирги вақтда халқаро кескинлик юмшаб бораётганлигидан ғоят мамнун эканликларини билдирмоқдалар. Турли сиёсий маслакдаги матбуот органлари, ижтимоий тузумидан қатъий назар, давлатларнинг «совуқ уруш»дан кенг қўламда ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга ўтганлигини КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг изчил равишда амалга оширилаётганлиги билан, шунингдек жаҳон сиёсатида реалистик тенденциялар кучайганлиги билан бевосита боғламоқдалар.

Аммо халқаро иқлимнинг яхшиланиб бораётганлиги ҳаммани ҳам қувонтиряпти, деб бўлмайди. Халқаро иқлим яхшиланаётганлиги ўзини «совуқ уруш» ва зўравонлик сиёсати билан маҳкам боғлаган энг агрессив империалистик доираларнинг ваҳшиларини ташвишга солмоқда. Шу билан бирга бу ҳол Пекинни ғижиндирмоқда, буни эса у ниқоблаётгани бўлади. Пекин раҳбарлари амалда мазкур империалистик кучлар билан биргаликда ҳаракат қилиб, кенг пропаганда кампаниясини авж олдириб юбордилар. Бу кампания халқаро вазият юмшаб бошлаганлиги гўё «айёрлик билан алдаш»дан бошқа нарса эмас, бунинг замирида «жаҳонга ҳокимликни» ўрнатишдан иборат совет планлари яширинган, деган гапни исботлаши керак эмиш.

Маочи пропагандистлар ўз мамлакатининг аҳолиси учун мўлжалланган мақолаларида Хитойга «совет ҳарбий ҳужуми хавфи» бор, деб ўзлари тўқиб чиқарган гапни аллақачондан буён рўкач қилиб келмоқдалар. «Шимолдан хавф бор»лиги тўғрисидаги ўйдирмалар ҳар куни хитойларнинг миясига қуйилмоқдаки, бундан кузатилган мақсад 1917 йилдаёқ ўз байроқларига «Тинчлик» сўзини ёзиб қўйган мамлакатни улар ХХРнинг гўё чиндан ҳам энг хавфли душмани деб била бошлашларига қаратилгандир. Шу тариқа маочилар ҳозирги раҳбарларининг аванс сифатида Европани стратегик оғирлик маркази сифатида қарамоқда» деб даъво қилинади.

Шу муносабат билан Пекин пропагандистлари Совет Армиясининг «асосий кучлари» совет—хитой чегараси бўйлаб тўпланган, деган ўзларининг уйдирмаларини «унутиб», аудиторияни ўзгартирдилар ва гапни ҳам бошқа ёққа буриб юбордилар. Энди улар СССР, уларнинг ибораси билан айтганда, гўё, деярли ўзининг ҳамма қўшинларини мамлакатнинг Европа қисмида ҳамда Шарқий Европада тўпланганлиги муносабати билан «ташвишланаётганликларини» билдирса бошладилар. Бу билан кифояланиб қолмай, Синьхуа 10 ноябрда мақола тарқатди, унда «Совет Қуролли Кучларининг Япония атрофида тинимсиз кўпайтирилаётганлиги» тўғрисида гапирилади.

Айни чоғда Хитой раҳбарлари ҳар турли империалистик ҳарбий блокларга, жумладан НАТОга нисбатан тўсатдан катта хайриҳоҳлик сеза бошладилар. Маълумки, ХХР раҳбарлари илгарилари бу блокларни қоралаган эдилар ва ҳатто уларни (шундай вақтлар ҳам бўлган эди!) «империализм қуроли» деб атаган эдилар. Чжоу Энь-лай Америкада чиқадиган «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири билан қилган сўнгги суҳбатида эса, Ғарбни НАТОни асло «занфлаштирмасликка» чақирган эди.

Франсияда чиқадиган ўнларнинг «Орор» газетаси қуйидагиларни қайд қилади: «Хитойнинг Атлантика иттифоқини сақлаб қолиш учун европаликларга қилган даъватига ҳайрон бўлмаслик керак». «Орор»нинг ёзишича, маочилар Совет Иттифоқига қарши курашиш мақсадида «ҳатто иблиснинг ўзи билан иттифоқ тузиш»га ҳам тайёр турганликларини билдирмоқдалар.

Синьхуа агентлиги ва «Жэньминь жибао» газетасининг ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланадиган шарҳчилари хавфсизлик ва ҳамкорлик юзасидан Умумевропа кенгашини қандайдир бир «тузоқ» деб тасвирлаш, СССР Европадаги капиталистик мамлакатларини гўё бу «тузоқ»ка туширишни истаяпти, деб кўрсатиш учун тамомила асоссиз равишда уриниб, бу йўлда озмунча ҳаракат қилмадилар. Улар Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш гоясига ҳам худди шу ҳолда қарши чиқдилар.

ХХР пропаганда органларининг Яқин Шарқда рўй берган ҳозирги можаро вақтида тутган йўли ҳам антисоветизм билан боғлангандир. Бир томондан, бизнинг мамлакатимизни бу районда «ўз ҳукмронлигини ўрнатиш» ниятида бор деб айблашди, иккинчи томондан, аксинча, «мужмаллик» қилишяпти, деб таъна қилишди.

Аммо пантда Исроил агрессиясининг қурбони бўлган араб халқларига Хитойнинг бирон-бир ёрдами ҳақида на Синьхуа, на «Жэньминь жибао» оғиз очмаганлиги маълум, албатта: Хитой бундай ёрдам кўрсатмоқчи эмас эди.

«Пекиннинг Яқин Шарқ масаласига муносабати бошқа масалаларга бўлган муносабати билан бир хилда бўлиб, — деб таъкидлаб ўтди шу муносабат билан Қоҳирада чиқадиган «Ал-аҳром» газетаси, — ҳамма даражада ва ҳамма соҳаларда араблар тутган йўлни қўллаб-қувватлашда ҳал қилувчи ролни ўйнаётган мамлакат Совет Иттифоқига нисбатан унинг кескин ихтилофи борлиги билан белгиланади».

«Улуғ Совет Иттифоқи халқларимиз курашида содиқ ва самимий иттифоқчилик позициясини тутди, — деб кўрсатиб ўтилади араб мамлакатлари Коммунистик партиялари вакиллари кенгашининг 18 ноябрда эълон қилинган қўшма ахборотида. —Совет Иттифоқи обрў-эътиборининг араб халқлари кўз ўнгида янада ўсиб бораётганлиги ҳамда реакцион доиралар, ўнг кучлар ва маочи пропаганда томонидан совет—араб дўстлигига шубҳа билан қараш мақсадида уюштирилаётган кампанияларнинг барбод бўлганлиги ана шу йўлнинг натижаларидан бири бўлди».

Маочилар ривожланаётган ёш мамлакатларда совет сиёсатига ишончсизлик билан қараш ҳиссини туғдирмоқда нитилиб, жон жаҳди билан ҳаракат қилмоқдалар. Масалан «Жень-минь жибао» да 30 октябрда босилган Синьхуа шарҳида СССРнинг мазкур мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларига доғ туширишга уриниб қўрилади. Маочилар ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун қасддан қалбақилик қиладилар. Улар совет матбуотида босилган материаллардан цитаталар келтирадилар, аммо бунда товар айирбошлашнинг ўзаро фойдали тоғонига оид ҳамма гапларни тушириб қолдириб, Совет Иттифоқининг ўз шериклари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини тасдиқловчи фактларданги фойдаланадилар.

Бу хилдаги қаллоблик маочи пропагандининг, гўё СССР «учинчи дунё» мамлакатлари билан муносабатларини, Синьхуа ёзганидек, «тўла тенглик принциплари асосига қурмаётир ва Совет Иттифоқи гўё ривожланаётган давлатларни «ўз назорати остига» олишга интилиб, ўз ҳарбий-сиёсий мақсадларини кўзда тутмоқда, деган даъвосини тасдиқлашга қаратилгандир. Пекин пропагандачилари бундай бўхтон гапларни тарқатиш билан бир вақтда, ривожланаётган кўпгина мамлакатларнинг матбуотида босилиб чиқаётган ва ХХРнинг ўзи «учинчи дунё»та нисбатан тутаётган сиёсатнинг гегемон бўлишни кўзловчи характери фош қилинаётган материаллар хусусида лом-мим демаётир.

Сўнгги ҳафталар ичида Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигининг характери муносабати билан туҳмат кампанияси айниқса авж олди. Пекин пропагандаси СССРнинг ҳинд халқига кўрсатаётган ёрдами бегараз характерда эканлигини шубҳа остида қолдиришга уриниб, идеология соҳасида навбатдаги кўпорувчилик ишини бошлади. Бироқ, бу кампания аввало Ҳиндистонда кескин зарбага учради. Ҳиндистон оғир саноат министрлигининг секретари М. Сонди Синьхуанинг советларга қарши ҳужумларига тўхталиб, бундай деди: «Баъзи бир доираларда тарқатилаётган ва Совет Иттифоқи Ҳиндистонда гўё «иқтисодий экспансионизм» сиёсатини ўтказмоқда, деган уйдирма гаплар бўхтондан бошқа нарса эмас. СССР кўрсатаётган ёрдам бегараздир, бу ёрдам бирон бир сиёсий сабаблар ва мулоҳазаларни шарт қилиб қўймайди ва бу тўғрида «иқтисодий экспансионизм»дан далолат беради, деб гапириш ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатни бузиб кўрсатишдан иборатдир. Ҳақиқат эса шундан иборатки, Совет Иттифоқи бизни қўллаб-қувватлаш ва бизга кўмаклашиш учун ҳамиша тайёр бўлиб турган содиқ ҳамда ишончли дўстимиздир».

Маочилар Совет Иттифоқига туҳмат қилиш билан айни бир пайтда ўзларини ривожланаётган давлатлар манфаатларининг ҳимоячилари қилиб кўрсатишда давом этмоқдалар. Масалан, 13 ноябрда Синьхуа агентлиги БМТ Бош Ассамблеясининг сиёсий масалалар ва хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи комитетида Хитой делегати сўзлаган нутқни ўзининг барча каналлари орқали тарқатди. Бу нутқда Пекиннинг Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик кураши билан бирдам эканлигини исботлашга уриниб кўрилади. Бу уриниш жуда беўхшов уринишдир: бундан атиги бир неча ҳафта муқаддам маочилар ўз қўлларини Чили демократларининг қонига ботирган ҳарбий-фашист хунта билан бирдам бўлганликларини жаҳон ҳали унутгани йўқ. Луис Корвалани ва Чили халқининг бошқа қаҳрамон фарзандларини ҳимоя қилиш учун маочилар чўрқ этмаганликларини ҳам жамоатчилик унутгани йўқ. Луис Корваланнинг ҳаёти ҳозир хавф остида турибди. Қуролланиш пойгасини чеклаш борасида Совет Иттифоқи томонидан таклиф этилган чора-тадбирлар ва жумладан, унинг томонидан олдинга сурилган гоя — БМТ Хавфсизлик Кенгашнинг доимий аъзолари бўлган давлатлар (шу жумладан, СССР ва Хитой) ҳарбий бюджетларини 10 процент қисқартириш тўғрисидаги гоя ривожланаётган мамлакатлар манфаатларига зид бўлиб тушади, деган гапни исботлашга Пекин пропагандасининг уринишлари худди шу ниятдан бесўнақай уринишлар бўлиб қолмоқда. «Маоизм, — деб ёзада шу муносабат билан Венесуэлада чиқадиган «Трибуна популар» газетаси, — ер юзидаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучлар билан ихтилофга борди».

Сўнгги вақтларда Пекин пропагандистик чиқишларининг оҳанги тобора чийилдоқ, ҳатто асабий тутқаноқлик тусини олмоқда. Маочилар ўз гапларини тасдиқловчи бирон бир асосли далилларни тополмай, буқинг ўрнига ғаллик билан сўкинмоқдалар. Лекин бу хилдаги сон-саноқсиз сўкинишлар уларнинг қўли билан ёзилаётган мақолалар ва шарҳларга кўпроқ ишонтирадиган далил бераётгани йўқ асло.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек яқинда Варшавада Польша — Болгария дўстлиги митингида сўзлаган нутқида ҳақли суратда таъкидлаб ўтганидек, Хитой Коммунистик партияси раҳбарлигининг ҳозирги тутган позицияси ўзининг советларга қарши қаратилган тиғи билан ҳамма халқларнинг ҳаётий манфаатларига зид бўлиб, Хитой халқининг ўзига ҳам жуда катта зиён етказмоқда.

Жаҳон жамоатчилиги ҳозирги кунда шуни жуда яхши тушунадики, башарти тинчлик пойдеворининг остида бутун планетани портлатиб юборишга қодир бўлган «порох ертўласи» сақланаётган бўлса, мустаҳкам тинчликни ишонч билан қуриб бўлмайди. Худди шу боисдан барча қитъаларда яшовчи халқлар кескинликнинг хавфли ўчоқларини бирин-кетин тугатиш мақсадида қатъий курашга қўшилдилар. Ҳеч қандай гиж-гижлаш пропагандаси халқларни бу йўлдан тойдира олмайди.

А. КРАСИКОВ,
(ТАСС шарҳловчиси).

ОЙДИН ЙЎЛ

⊙ БЕШ ЙИЛЛИҚ — ТЎРТ ЙИЛДА
⊙ ТАШАББУСКОРЛАР
⊙ КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

ДЕҲҚОН РИЗҚИ

Димитров номли колхоз Оққўрғон районида илғор хўжаликлар қаторидан ўрин эгаллаб, кўп тармоқли колхозлардан бири бўлиб қолди. Колхозда бу йил пахтадан айниқса юқори ҳосил етиштирилди. Илғорлар тажрибаси ва янги фан ютуқларини кенг қўлланиш яхши самаралар берди. Колхозда олдинги йиллари пахтанинг анча қисми далит касаллигидан нобуд бўлиб кетарди. Бу йил «Тошкент-3» нави таниқлаб олинди. Серҳосил ва вилтга чидамли бу нав терим машиналарига катта йўл очиб, деҳқонларга техникадан кенг фойдаланиш имкониятини берди. Етиштирилган ҳосилни тезда йиғиб-теріб олишни таъминлади.

Ҳал қилувчи йилда ҳар гектар ердан 36,5 центнердан хирмон уйилиб, давлатга пахта сотиш плани 123 процент адо этилди. Бунда республикамиз илғор механик ҳайдовчиларининг ташаббусига қўшилган «зангори кема» капитанлари самарали ҳиссаларини қўшдилар. Колхоз далаларида 20 та терим машинаси жавлон урди. Дала гвардиячилари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилди. Мусобақа шартларининг ҳар бешўн кунда якунланиб турилиши яхши натижалар берди.

Колхознинг моҳир механизаторлари Ли Семен бу мусобақада пешқадамлик қилди. Унинг агрегатида кўчма вимпель ҳамиша ҳилпираб турди. Агрегат кўчидан унумли фойдаланиб, хўжалик хирмонига қут-барака киритди ва машина бункеридан 120 тонна пахта бўшатди. Нормуҳаммад Жўраев, Кўчқор Турдиев, Соли Асқаров, Сотиболди Мархинов каби механизаторлар ҳам ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан колхозчилар ҳурматига сазовор бўлдилар. Уларнинг ҳар бири 120-150 тоннадан «оқ олтин» териб беришди.

Бригадалар ўртасидаги мусобақа ҳам яхши якунланди. Улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажардилар. 10-бригада бошлиғи Карибой Эргашев мана уч йилдирки, коллективга моҳирлик билан раҳбарлик қилиб, план ва мажбуриятларини биринчилар қаторида бажариб келади. Бу йил бригада аъзолари 41 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 41 центнердан хирмон кўтардилар. Ким Сергей, Шин Ермолай, Турғун Комилов бошлиқ бригадаларнинг заршунослари ҳам 36-42 центнердан ҳосил йиғиб олишди.

Алмашлаб экишни жорий қилиб, пахта ҳосилдорлигини тинмай ошираётган колхоз аъзолари давлатга пахта сотиш беш йиллик планини муддатидан илгари — тўрт йилда бажаришга азму қарор қилдилар. Улар шу кунларда ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгор қилмоқдалар. Трактористлар Ваҳоб Мақсуд Габдураҳмонов ва Зокир Ҳолиқовлар бу ишда намуна кўрсатиб ишлашмоқда.

ДАРОМАД МАНБАИ

— Чорвачилик зарбдор фронт!—бу колхоз чорвадорларининг шиори. Маккажўхорикорлар бу соҳада жон қуйдиришмоқда. Бу йил хўжаликда жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш мақсадида мустаҳкам ем-хашак базасини яратишга катта аҳамият берилди. 140 гектар ерга маккажўхори экилди. Дала «малика»си юксак агротехника қоидалари асосида парваришланди. Натижа ёмон бўлмади. Унинг ҳар гектаридан 420 центнердан кўпроқ ва 60 центнердан эшёдон олинди. Пландаги 3700 ўрнига 4100 тонна силос бостирилди. 850 тонна ўрнига 1280 тонна ем-хашак жамғарилиб, чорва моллари қишлайдиган жойга келтириб қўйилди. Сенаж тайёрлаш ҳам кутилганидан яхши бўлди.

Лавлаги ҳам тўйимли озуқа. Хашаки лавлагидан олинган ҳосил чакки бўлмади. Йил бошида унинг ҳар гектаридан 400 центнердан ҳосил олиш мўлжалланган эди. Амалда эса ҳар гектаридан 700 центнердан ҳосил кўтарилди, натижада 1400 тонна хашаки лавлаги тайёрланди.

Хўжаликда 1630 бош қорамол бор. Колхоз фермасининг озуқа ташийдиган арава ва бошқа транспорт қатнайдиган йўллари асфальтланган, ферма атрофи кўкаламзорлаштирилган. Бош зоотехник А. И. Ким ферма хизматчиларига моҳирона бошчилик қилмоқда. Ў ўн етти йилдан бери шу лавозимда ишлаб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлаётир. Партия ва ҳукуматимиз унинг хизматларини юксак тақдирлаб Октябрь революцияси ордени билан мукофотлади.

Чорвадорлар моллар туёғини кўпайтириб, ҳар бир соғин сигирдан олинаётган сут миқдорини оширишди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ҳар бир сигирдан 3600 килограммдан сут соғиб олишди. Давлатга 1500 тонна сут сотилди. Колхоз чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини олдилар.

Фермада ўзининг ҳалол меҳнати билан эл оғзига тушаётган илғорлар сони тобора кўпайиб бораётир. Улар бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашга ҳаракат қилишмоқда. Сут соғувчи Ли Ен Хи мусобақа илғорларидан. Бу меҳнатсевар аёл ўз тажрибасини фермага келган ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Ў ўтган йили ўз боқимидаги соғин сигирларнинг ҳар биридан 3800 килограммдан сут олган эди. Бу йилги марраси ҳар бир соғин сигирдан 4000 литр! Ҳозиргача 3680 килограммдан сут соғиб олди.

Александра Лахметкина, Роза Цой, Ан Су Най, Рая Земская каби сут соғувчилар ҳам 3800 литрдан сут соғиб, сут чашмасини янада кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар.

— Мамлакат пахтакорларининг Тошкентда бўлиб ўтган партия—хўжалик активи йиғилишининг қарорлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг биз пахтакорларга берган юксак баҳоси янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишга илҳомлантириб юборди, — дейди колхоз раиси Ўртоқ А. Я. Ким. Биз бунга жавобан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш билан жавоб берамиз.

Т. УНАБОЕВ,
Я. ТУХТАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Суратларда: (чапдан) 1. Ли Ен Хи. Рая Земская, Роза Цой, Аня Клюевалар. 2. 16-бригада даласида ерларни шудгорлаш пайти.

А. Тўраев фотолари.

ҚАНОТЛАР

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ

Сўлим диёримиз ўзининг элюрт олдидаги олий ҳимматини, лафзи ҳалоллиги-ю саҳийлигини, мардлиги-ю аҳлигини, «оқ олтин» дек беғубор қалби поклиги-ю, бурчга садоқатини яна бир бор намоён этди. Бугунги кунда катта-дан-кичик беҳад шод-ҳуррам. 4 миллион 900 минг тонналик «оқ олтин» тоғи дилларни хушнуд этмоқда. Кошкийди, унинг чўққисини оддий кўз билан илғаб бўлолса. Ҳа, «оқ олтин» тоғи бободеҳқоннинг ҳимматидек баланд, виждонидек поқ, лафзидек ҳалол...

Севинч онларида зафаргача бўлган машаққатли йўлларга назар ташлаш, ташвишли ва ҳаяжонли дақиқаларни эслаш, келажак режаларини белгилаб олиш нақадар мароқли! Айни чоғда ғалабани таъмин этган омиллар хусусида, уларнинг такомил ва ривожи устида чуқур ўй юритиш кишига илҳом, куч-ғайрат, ташаббус бағишлайди. Руҳан енгил тортиб, қуш дек узоқ-узоқларга парвоз қилгинг келади.

Пахта — ризқ-рўзимиз, шонг-шарафимиз!. Севинчимиз, ташвиш ва оромимиз, ғурур ва ифтихоримиз ана шу «оқ олтин» туфайли. Олтин кўллар, пахта далаларининг усталари деб аталишимизнинг боиси ҳам ана шу дур-гавҳар туфайли. Элимизга йўлланаётган сон-саноқсиз табрик ва қутловлар ҳам пахтамиз туфайли!..

Мен пахта соҳибкори бўлганлигим учунгина шундай деб айтаётганим йўқ. Бу сўзларни виждоним, дилим айтяпти, дилимгина эмас, жавоҳиршунос элим айтяпти. Унинг ҳар бир толаси нондек азиз, қадр-қиммати. Ўргимчаккана ёки вилтга ем бўлаётган ғўзани кўрсак, дилимизнинг жиз-жиз ачишиши шундан.

Халқ тили билан айтганда, оқпалак ғўза кушандаси. Угина эмас, тўрт юздан эшёд ўсимлик турлари ҳам вилт билан зарарланиши аниқланган. Ғўзанинг авж олиши сусайиб, барглари қовжирай бошлаганини, шоналари совуқ урган барглек тўкилаётганини кўрган бободеҳқоннинг сергак тортиши табиий. Чунки ҳосилнинг сифати пасайиб, салмоғи камайиши кимни ташвишга солмайди дейсиз. Деҳқоннинг қиш чилласида, ёзнинг жазирама иссиғида қилган самарали меҳнати сувга оқишига ким ҳам тоқат қилиб тура олади.

Шунинг учун ҳам кун тартибига, энг аввало, вилтга чидамли янги ғўза навларини яратиш масаласи қўйилди. Пахташунос олимларнинг ҳар бири бу хусусда ўз илмий таҳминларини ўртага ташладилар. Ҳаёт тақозо этган бу муаммони ҳал қилишга киришган олимлар, асосан, икки йўлдан боришди. Баъзи олимлар турли навларни чатиштириб, вилтга бас келa оладиган янги навлар яратиш устида тажриба ўтказсалар, иккинчи хил фараз тарафдорлари эса ғўзанинг маданий навларини кўп йиллик, ёввойи турлари билан чатиштириб, вилтга чидамли янги нав яратиш мумкин дейишди.

Фақат 1959 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети махсус қарор қабул қилиб, республика Фанлар академияси, биология ва бошқа қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларига вилтга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишдек масъулиятли вазифалар юклатилгандан кейин пахтачилик илмида кескин бурилиш ясалди.

Шундан сўнг республикамизнинг заршунос олимлари партия чақириғига лаббай, деб жавоб қайтардилар. Турли лабораторияларда ғўзанинг вилтга чидамли янги навларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари қизитиб юборилди. Шу ўринда ажойиб селекционер, СССР Давлат мукофотининг лауреати Содиқ Мирзаҳмедовнинг фандаги жасоратини айтиб ўтиш ўринли. У Мексика ёввойи ғўзасини «1306—ДВ», «С-4727»» ва бошқа маданий навлар билан чатиштириб, Ватанимиз пахтачилиги тарихида биринчи бўлиб, ана шу ёввойи ғўзанинг вилтга чидамлилигини исботлади. Узоқ йиллик самарали меҳнат ўз мевасини берди. Бир йўла учта янги нав— «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» яратилди. Булар бободеҳқон орзиқиб кутган вилтга чидамли, серҳосил, эртапишар нав бўлиб чиқди. Ғўзанинг вилтга бардошли бу янги навлари 1968 йилда бор-йўғи тўрт гектарга экилган бўлса, бугунги кунга келиб бир миллион 320 минг гектар майдонни ташғ этмоқда. «Тошкент-2»ни тожик биродарларимиз дўстлик уруғи деб, қаққонлик баҳо бердилар.

Республикамизнинг бу йилги улкан хирмонини бунёд этишда «Тошкент» навларининг улуши беқиёс. Бу фан билан ишлаб чиқариш алоқаси тобора мустаҳкамланиб бораётганидан, вилтга қарши астойдил жанг бошланганидан далолат беради. Бу партия XXIV съезди Директиваларидаги «Энг серҳосил, касалликларга чидамли ғўза навларини жорий этиш зарур» деган кўрсатмаларга амалий жавоб эди.

Шунингдек, КПСС XXIV съезди ингичка толали пахта етиштиришни бутун чоралар билан авж олдириш вазифасиниқ қўйди. Чунки бундай нав пахта енгил саноат учун муҳим хом ашё бўлибгина қолмай, хўжаликларга катта моддий даромад келтирувчи манба ҳам ҳисобланади. Ингичка толали «С-6030» нави ўзининг вилтга чидамлилиги, серҳосиллиги, саноатбоплиги билан ажралиб туради. «Сурхон» совхозидаги уруғчилик бригадаларида бу навдан гектаридан 45 центгерача юқори ҳосил олинди. Синов-тажриба участкалари маълумотларига қараганда, бу янги нав «С-6002» га нисбатан саккиз-ўн кун, «108-Ф» га кўра, беш кун аввал етилади... Пахтакорлар таъбири билан айтганда, «тилла пахта» яратишда Тошкентдаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ҳам самарали ишлар олиб боряпти.

Ишлаб чиқаришдан мустаҳкам ўрин олган бу навлардан ташқари эндиликда яна бир қанчалари ҳаёт имтиҳонидан ўтяпти. Селекционер-олимларимиз «Тошкент-4», «АН-401», «С-6035», «С-6036», «С-6037», «Экспресс-1» ва бошқа серҳосил, вилтга бардошли янги навларга катта ишонч ва умид билан қарашяпти.

Вилтга қарши яна қандай қалқон бор? Бу бало-қазодан қандай қутилиш мумкин? Унинг касридан тонналаб қимматбаҳо хом ашё сувга оқаверадими? —деган саволга жавоб тариқасида алмашлаб экишнинг ҳосиятини айтиб ўтса бўлади. Маълумки, ғўзанинг «108 Ф» нави йигирма йилдан ортиқ мамлакатимиз пахтачилигини ривожлантириш қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшди. Пахтакорлар бу нав кашфиётчиси Л. В. Румешевич номини ҳамон ҳурмат билан тилга олиб, унга ана шу нави учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар. Бир майдонга узоқ йиллар давомида узлуксиз ғўза экавериш натижасида вилт пайдо бўлди ю, хатто «108-Ф» каби довруг таратган навнинг «кураги» ҳам «ерга тегди».

Ғўзанинг вилтга чидамли навлари деҳқонлар учун ҳаво ва сувдек зарур эди. Партия ва ҳукуматимиз раҳнамолигида қатор вилтга чидамли серҳосил, эртапишар навлар яратилди ва пахтачилигимиз яна юксалиш йўлига ўтиб олди. Лекин бу тараққиёт алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш суръати билан тенг олиб борилганидагина ижобий натижа беришини тажриба тасдиқламоқда. Ер дардига малҳам топиш бир қарашда осондек туюлади. Аслида бу иш сабр-тоқат, қунт ва чидам, билимдонликни талаб этади. Масалан, наманганлик омилкор пахта соҳибкорлари алмашлаб экишдан яхши наф кўришяпти. Азамат Андижон ва Фарғона заршуносларининг ҳам бу ишнинг самарадор эканлигини амалда исботламоқдалар.

Йилдан-йилга вилт чекиняпти. Лекин шуни унутмаслигимиз лозимки, ғўзанинг вилтга чидамли навлари яратиляптику, деб хотиржамликка берилмаслигимиз керак. Беда билан маккажўхоридан алмашлаб экишда самарали фойдаланиш тавсия этилади. Чунки бу экинлар вилтнинг зararини камайтириб, гупроқнинг шўрини йўқотишда катта роль ўйнайди.

Пешона тери билан етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нес-нобудсиз йиғиб-териб олишнинг асосий масъулияти ўрток Л. И. Брежнев таъбири билан айтганда, пахта далаларининг усталари зиммасига тушади. Ўрток Л. И. Брежнев пахтачиликдаги энг сермеҳнат ишни-пахта теришни механизациялаш даражасини янада ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб турганлигини алоҳида таъкидлаган эди. Агар илгари пахтамиз, асосан қўл кучи билан терилиб, уни йиғиштириб олиш қишқировли кунларгача чўзилиб кетган бўлса, эндиликда жуда қисқа муддатларда йиғиштириб олиняпти. Бунга, албатта, қишлоқ меҳнат аҳли жонига оро кирган пахта териш машиналарининг шарофати туфайли эришилмоқда.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик ишлари ичида ўз ҳажми жиҳатидан пахта териш энг оғир ва кўп меҳнат талаб этади. Пахта терими ўртача икки-икки ярим ой давом этади. «Оқ олтинни вақтида, нобуд қилмай териб олиш, асосан, уни механизациялаш даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам олимлар, инженер ва конструкторлар пахта териш техникасини такомиллаштириб бораётирлар. Шу асосда меҳнат унумдорлиги кўтарилиб, «оқ олтин» етиштириш йилдан-йилга ортиб боряпти. Республикамиз далаларида ишлатилаётган «ХТ-1,24», «14 ХВ-2,4», «17 ХВ-1,8», «ХН-3,6» маркали, «Ўзбекистон» каби жаҳонда тенги йўқ «зангори кема»лар деҳқонларимизга қанот бўлмоқда. Бу йил пахтанинг 2 миллион 700 минг тоннага яқини ёки бутун ҳосилнинг 55 процентн машиналарда териб олинганлиги фикримизни тасдиқлайди. Сирдарё, Тошкент ва Наманган областлари механик-ҳайдовчилари ҳосилининг 60 процентдан зиёдроғини «зангори кема»ларда териб берди. Ҳа, Ўзбекистон меҳнаткашлари қўлга киритган катта ғалабага азамат механизаторларимиз муносиб улуш қўшдилар. Ҳақиқатан ҳам машина деҳқоннинг қаноти, деган таъриф жуда топиб айтилган.

Олим, деҳқон, механизатор бирбирининг қанотига кириб иш сайин юқори ҳосил етиштириб келяпти. Улар қалб кўри, пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин» шунинг учун ҳам азиз, шунинг учун ҳам мўл-кўл!.. Чунки уларга она-Ватан, жонажон Коммунистик партия назари, қайноқ меҳри тушган.

Ю. ХУТОРНОЙ,
Тошкентдаги Г. С. Зайцев номли ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти лабораториясининг бошлиғи, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

Тошкент асбобсозлик заводининг Р. Эмиралиев бошлиқ ўнинчи участка аъзолари доимо илғорлар қаторида. Суратда: социалистик мусобақа ғолиби Р. Эмиралиев илғор ишчи В. Пахлавцкая билан маҳсулот сифатини кўздан кечираётир.

Ж. Тўраев фотоси.

Солдат МАКТУБЛАРИ

ҲАММАГА ЎРНАК

Нуриддин Жалолов... Ташаккурнома эълон қилаётган қисм командири шу номни ҳам тилга олди. Бу бежиз эмас. Нуриддин қисмимиз фахри. Унинг шахсий хизмат карточкасида кўплаб ёрлиқ ва ташаккурномалар бор. У оддий солдатликдан бўлим командири даражасига эришди. Ўзига билдирилган ишончни шараф билан оқлади. Ҳозир Нуриддин бошчилик қилаётган бетончилар бригадаси ойлик ва квартал планларини мунтазам ортиғи билан бажариб, ротамизда пешқадамлик қилмоқда. Бунда меҳнатсевар, ишчан, оловқалб йигит Нуриддин Жалоловнинг ҳиссаси катта.

А. ҚУРБОНОВ.

ОРДЕН МУБОРАК

Биз серқуёш ўлкамиз Ўзбекистондан узоқда—беҳоён Ватанимизнинг турли чеккаларида йигитлик бурчимизни адо этмоқдамиз. Лекин шунга қарамасдан, республикамиз ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, халқимизнинг фан ва маданият, халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришаётган ютуқларидан газета ва журналлар, радио орқали хабардор бўлиб турибмиз. Республикамиз Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги бизни беҳад қувонтирди. Қалбларимизда фахр ва ифтихор ҳис-туйғуларини жўш урдириб юборди. Хизматда янгидан-янги муваффақиятлар сари илҳомлантиряпти. Пахтакорларимиз эришаётган меҳнат зафарларидан ҳам бошимиз кўкка етмоқда.

Б. ЖАЛИЛОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН — «ОҚ ОЛТИН» ЎЛКАСИ»

Қисмимизда иттифоқдош республикаларнинг ҳаёти, ютуқларини ўрганиш мақсадида йиғинлар, суҳбатлар тез-тез ўтказилади. Яқинда ротамизда «Ўзбекистон — «оқ олтин» ўлкаси» темасида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан рота командири, коммунист, лейтенант Вячеслав Николаев республикамизнинг ўтмиши ва бугунги кунда фан ва маданият, халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришаётган ютуқларини факт ва рақамлар асосида ҳикоя қилиб берди.

Кичик сержант Маҳмуд Юсупов, оддий солдатлардан Илҳом Ҳасанов, Ҳудойқул Бозорбоев ва бошқалар Ўзбекистоннинг бой табиати, ноз-неъматлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Э. ҚОДИРОВ.

* * *

Шунингдек, оддий солдатлардан Ж. Хўжамқулов, Ҳ. Абдуллаев, М. Муҳбилов, Р. Мукумов, Ч. Ҳаитов, М. Сайдалиев, Ш. Раҳимов, О. Раҳмонов, И. Исоқов, Н. Тожиев, Р. Ҳайриев, М. Иброҳимова ва бошқаларнинг редакциямизга йўллаган хат ва хабарларида жанговар фарзандларимизнинг ҳарбий хизматда қўлга киритаётган ютуқлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топган.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРДА

ПЛАН — ҚАТЪИЙ ҚОНУН

Тўқизинчи беш йилликнинг учинчи йили якунланадиган пайт яқинлашмоқда. Халқ хўжалик планларининг бажарилишда қайси коллектив қандай ишлаганлиги бўйнидаги каби яққол кўринади. Меҳнаткашлар депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитети мажлисида 1973 йилги халқ хўжалик планларини бажаришнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ўтган ойларнинг якунлари атрофлича таҳлил қилинди. Маҳсулот реализация қилиш планларини, меҳнат унумдорлигини ошириш, ассортимент бўйича топшириқларни бажармаган корхоналарнинг қолоқлик сабаблари, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар очиб ташланди. Халқ хўжалик планларининг барча кўрсаткичлар бўйича бажарилишини таъминлаш режалари белгиланди.

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ КЎЗЛАБ

Меҳнаткашлар депутатлари Урганч шаҳар Совети сессиясида халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Шаҳар ижроия комитети раиси Э. Раҳмонов докладида таъкидланишича, ўтган 10 ойда саноат корхоналари аҳоли эҳтиёжи учун пландагига нисбатан бир миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрлаб беришди. Аммо маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича планлар бажарилмаган. Тикув фабрикасида тайёрланган кийим-кечак сифатсиз. КПСС XXIV съезди Директиваларида белгиланган объектлар — Урганч ёғ-экстракция заводи ва пиллакашлик фабрикаси қурилишини жадаллаштириш зарур. Бу корхоналар аҳоли эҳтиёжини яхшироқ қондиришга хизмат қилади.

ХАТГА ЭЪТИБОР — ХАЛҚҚА ЭЪТИБОР

СССР Олий Совети Президиумининг «Гражданларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги 1968 йил 12 апрель Фармони қандай амалга оширилаётганлиги Боғот район Совети сессиясида кенг муҳокама этилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари қандай ҳал қилинаётганлиги таҳлил қилиниб, бу борадаги яхши ишлар умумлаштирилди. Ариза ва таклифларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш, мавжуд нуқсонларни бартараф қилиш зарурлиги қайд қилинди ва конкрет тадбирлар белгиланди.

ДЕПУТАТ ИБРАТИ

Қўшкўпир районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Онажон Мадраҳимова сайловчилар наказларини бажаришда ибратли ишлар қилияпти. У колхоз қишлоғида фельдшер-акушерлик пункти, болалар боғчаси қурилишида ташаббускор бўлди. Ўзига берилган наказларни тўла бажарди. О. Мадраҳимова яқинда ўтказилган «Депутат куни»да район ва қишлоқ Советларга депутатлари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг борғиш тўғрисида 1973 йил 24 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—областлар, иккинчи устун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — планнинг бажарилиш процента

Тошкент	201,6	95,9
Хоразм	6,5	80,9
Сирдарё	213,5	73,5
Самарқанд	160,6	67,6
Андижон	80,6	46,1
Фарғона	43,4	43,7
Сурхондарё	46,1	32,8
Бухоро	53,1	29,1
Наманган	38,2	28,4
Қашқадарё	28,9	20,4
ҚҚАССР	12,7	18,8
Республика бўйича:	885,2	52,5

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

«Тошкентлик газетхон Қ. Қодировнинг редакция орқали олинган хати атрофлича текширилиб кўрилди. Унда келтирилган фактлар тўғри. Етти нафар фарзанди бўла туриб, бошқа аёлга уйланган бевафо, бемеҳр ота И. Қодиров ҳозир ҳибсга олинди. Унинг жиноий иши тўғрисидаги материаллар Наманган шаҳар халқ судига юборилди».

Наманган область прокуратураси бизга йўллаган жавоб хатида ана шундай дейилган.

«ЭНДИ КИМНИНГ УСТИДАН ЕЗАСИЗ!»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган фельетонда («Совет Ўзбекистони», 1973 йил 19 июль) Тошкент шаҳар адвокатлар коллегиясининг собиқ аъзоси А. Фудиннинг ножўя хатти-ҳаракати, ўзи айбдор бўлатуриб, илгари ишлаган ташкилоти ва унинг раҳбарлари устидан туҳматдан иборат шикоятлар ёзиш билан шуғулланиб келаётгани, бу билан одамларнинг жуда кўп вақтини олаётгани кўрсатилганди.

Ўзбекистон ССР Адлия министрлигидан қуйидаги жавоб олинди: фельетонда А Фудиннинг ножўя хатти-ҳаракати ҳаққоний танқид қилинган, унга тўғри баҳо берилган. Газетада тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бундай фельетоннинг босилиши айни муддао бўлди. А. Фудин Тошкент шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси бўлатуриб, республика Адлия министрлиги томонидан Ўзбекистон ССР адвокатураси ҳақидаги Низомга биноан амалга оширилган аттестациядан ўтишга келмаганк учун аввал ишдан четлаштирилган ва сўнг аттестациядан ўтишдан бутунлай бош тортгани учун адвокатлар сафидан чиқарилганди. А. Фудин эса аттестация қонунга хилоф равишда ўтказилди ва мен адвокатлар сафидан нотўғри чиқарилдим деб, шикоятбозликни ҳамон давом эттирмоқда. А. Фудиннинг бу қилмиши совет адвокати деган номга ярашмайди.

ИНТИЗОМ БУШ БЎЛГАЧ

— Редакция орқали олинган Жомбой район «Правда» колхозида яшовчи бир группа меҳнаткашлар хати текширилганда ундаги фактлар асосан тасдиқланди, — дейилади Самарқанд область партия комитетидан келган жавоб хатида. — Ҳақиқатан ҳам, КПСС аъзоси, шу колхоз иқтисодчиси Х. Бойназаров тутган мавқеидан фойдаланиб колхоз мулкига нўш олайтирган. Айни долзарб кунларда катта тўй маросимини ўтказган. Унинг оила аъзолари истаганда ишга чиққан. Хуллас, ўртоқ Х. Бойназаров умумманфаати учун жон куйдирмаган. Мана шуларни ҳисобга олган Жомбой район партия комитети бюроси Х. Бойназаровга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилди ва у ўз вазифасидан четлаштирилди.

Бюро йиғилишида «Правда» колхозидаги молиявий ва меҳнат интизоми ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Меҳнат интизомини бузувчиларга қарши қатъий чора кўриш ўрнига улар билан муросасозлик қилган колхоз раиси Н. Жонузоқов ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор олди. Хўжалик бошланғич партия ташкилотининг секретари У. Жалиловга эса коммунистлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганлиги учун виговор берилган.

Райком бюросида қабул қилинган қарор район барча колхоз ва совхозлари партия йиғилишларида муҳокама қилинган ҳамда район газетаси «Шонли меҳнат» саҳифасида босилиб чиққан.



Олмалиқ. Химия заводининг иккинчи навбати қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Ҳозир бу ерда технология линияси ускуналарини ўрнатиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Суратларда (чапдан) қурилишда намуна кўрсатиб ишлаётган мусобақа пешқадами Т. Содиқова, завод қурилиши, йилғор бинокор А. Власов. И. Глауберзон фотолари.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Акмал ПУЛАТ.

Сенинг мадҳингни куйлайман, диёрим Ўзбекистоним,
Саодатли элим, бахту-барорим Ўзбекистоним.
Ишинг эллик баҳор авжи, баҳорим Ўзбекистоним,
Жаҳонда тенги йўғим пахтакорим — Ўзбекистоним,
Қувончим ҳам ғурурим, ифтиҳорим Ўзбекистоним.

Сенинг фикринг, шорринг тоабад тинчлик, фароғатдир,
Зафарли меҳнатнинг мазмуни доим элга роҳатдир.
Ҳамиша яхшилик, дўстлик сенга энг яхши одатдир,
Жаҳонда тенги йўғим пахтакорим — Ўзбекистоним,
Қувончим ҳам ғурурим, ифтиҳорим Ўзбекистоним.

Саховат сийнасида диёрим гулласин дейман,
Ҳамма халқ бир-бирин доим юракдан қўлласин дейман.
Бу гулшанда бирон гул ҳам баногоҳ сўлмасин дейман,
Саодатли элим, бахту-барорим Ўзбекистоним,
Ишинг эллик баҳор авжи, баҳорим Ўзбекистоним.

Қаҳр чўлларни яшнатган баҳодир пахтакоримсан,
Улуғ ваъданг йўлида, ғитта сўзлик барқароримсан.
Юрандан Акмалинг дейди мудом сен азмкоримсан,
Улуғ бахтингни куйлайман, диёрим Ўзбекистоним,
Қувончим ҳам ғурурим, ифтиҳорим Ўзбекистоним.

Ўзбекистон Ахборот

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

САФАР

ҚАРДОШЛАР ОЛҚИШИ

Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги ҳаваскор ёшлардан ташкил топган ашула ва рақс коллективи Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги томонидан Халқ ансамбли номи берилганига қарийб бир йил бўлди. Утган давр ичида ансамбль ўзининг чиройли программаси билан томошабинларга танилди. Ансамблга яқинда «Учқун» номи берилди. Унинг бадиий раҳбари Ражаб Бобожонов ва музика раҳбари, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист Назир Раҳимовлар навқирон коллективнинг тез танилишида кўп меҳнат сарфлашди.

Ансамбль фақат Хоразм областигагина эмас, балки қўшни республикаларга ҳам сафар қилиб, санъат шинавандаларини хушнуд этмоқда. Шу кунларда «Учқун» Туркманистонининг Тошовуз областида санъатсеварларга ўз программасини намойиш қилмоқда. Учқунчилар русча, қозоқча, ўзбекча, туркманча, қорақалпоқча ва озарбайжонча қўшиқлари, нафис ўйинлари билан тамошачиларни мамнун қилаётирлар.

Т. СУЛТОНОВ.

КЎРГАЗМА

РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Ватанимиз пойтахти. Москва яқинида XVIII асрда қурилган қадимий саройнинг биноси жойлашган. Яқинда, музей бўлиб турган бу бинода «Совет нафис сопол буюмлари» деган мавзуда Бутуниттифоқ кўргазмаси очилди. Кўргазмада қарийб 50 йил мобайнида яратилган амалий санъат асарларидан намуналар намойиш қилинмоқда.

Кўргазмага қўйилган, таниқли совет сополсозларидан ўзбекистонлик уста У. Жўрақулов буюмлари томошабинлар диққатини тортмоқда. Ўзбек сополсозининг турли рангларда жилоланган лаган, кўза, гулдон каби ишлари шаклининг кўркамлилиги, ишловининг нафислиги билан амалий санъат шинавандаларини мафтун этаётир. Шунингдек, литвалин А. Личкуте-Юсенен ҳамда украиналик А. Билик-Пошнвайло, тожикистонлик А. Мавлоновнинг хилма-хил буюмлари намойиш этилмоқда.

С. КОСТИРКО.

ҚИШЛОҚДА

СОҲИБКОРЛАР МАМНУН

Янкабогдаги Калинин номли колхоз меҳнаткашлари энди таниш-билишлари ва узоқ-яқинлари билан телефонда гаплашадиган бўлишди. Колхозчилар фақат Янкабоғ районидаги ёки Қашқадарё области билангина телефонда алоқа боғлама, республиканинг турли шаҳарлари билан сўзлашишлари мумкин. Бундай қулайликни область алоқа трестининг механизациялашган кўчма колоннаси алоқачилари яратдилар. Ҳозирча 50 нуқтага хизмат кўрсатилаяпти. Шунингдек, «Янкабоғ» боғдорчилик совхозининг соҳибкорлари ҳам мамнун бўлиб қолишди. Бу ерда ҳам телефон станция фойдаланишга топширилди. Телефон аппаратлари фермалар, омборлар ва меҳнаткашларнинг уйларига ўрнатилди.

Ж. БОБОЕВ.

МЕДИЦИНА

ҲИММАТ

Музей шаҳар—Хивада медицина хизмати кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда. Яқинда икки қаватли поликлиника биноси қуриб битказилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу бинони шаҳардаги 2-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари қуриб, ҳиммат кўрсатишди. Урганч шаҳрида эса, медицина техникаси магазини иш бошлади. Бу ерда хирургия ва дорихоналар учун зарур ускуналар харид қилиш мумкин.

А. ЭШМАТОВ.

УЧРАШУВЛАР

ПАХТАКОРЛАР ДАВРАСИДА

Севимли санъаткор, СССР халқ артистаси Ҳалима Носирова Андижон область пахтакорлари ҳузурида меҳмон бўлди. Санъаткорнинг Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхози меҳнатчилари билан учрашуви қишлоқ аҳлида яхши таассурот қолдирди. Хушовоз хонанда йиғилганларга ўзи босиб ўтган йўл ҳақида ҳикоя қилди. Устоз ва шогирдлари ҳақиқатда гапириб берди. Кейин унинг ижросида маҳорат билан айтилувчи классик ва замонавий қўшиклар тингланди. Ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Ҳ. Носирова шунингдек, Бўз районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозида, Ленин районидаги «Правда Востока», «Андижон районидаги Ленин номли, Пахтаобод районидаги «Правда» каби колхозларда бўлиб, дала суворийлари ва чўлқуварлар билан учрашди.

Н. ИНОҚОВ.

КИТОБЛАР

Наманганликлар қиссаси

Ғафур Ғулом номидаги республика нашриётида «Оқ ракеталар туркуми» деган ҳужжатли қисса нашр этилди. Асарда урушнинг сўнгги кунларида совет жангчилари кўрсатган қаҳрамонлик тўғрисида, фашист газандалари уяси — Рейхстаг устига ғалаба байроғи қандай ўрнатилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Қиссанинг бош қаҳрамони батальоннинг собиқ партия ташкилотчиси, эндиликда полковник, Наманган область ҳарбий комиссари Каримжон Исҳоқовдир.

(ЎзТАГ).

ШАХМАТ

РЕСПУБЛИКА ГРОССМЕЙСТЕРНИ КУТМОҚДА...

Сўнгги йиллар шахмат жанг роҳи кескин курашларга бой бўлди. Гроссмейстер Марк Тайманов-нинг Денвердан, гроссмейстер Тигран Петросяннинг Буэнос-Айресдан ва гроссмейстер Борис Спасскийнинг Рейкявикдан маглуб қайтишлари шахмат оламида мисоли зилзила бўлди... Бу зилзиланинг сабабчиси Роберт Фишер эди. У 29 ёшида жаҳоннинг 11-чемпиони бўлди.

Жаҳон биринчилиги учун бўлган шахмат ўйинларининг чуқур таҳлиллари шундан гувоҳлик берадики, совет гроссмейстерлари, биринчи навбатда «экс-класс» намояндалари аввало практик тайёргарликда кўп имкониятлардан маҳрум бўлгандилар. Ўз пайтида жаҳон чемпионлигини кескин курашлар эвазига қўлга киритган Т. Петросян, сўнгра Б. Спасский шуҳрат чўққисига чиққач, кутилмаганда шахмат жангларидан узоқлашиб қолдилар. Бир пайтлари уларни тарбиялаб вояга етказган СССР чемпионатлари энди чемпионлар учун кўримсиз машғулот туюлларди. Шунингдек, улкан халқаро турнирларда ҳам муҳлислар уларни узоқ вақт муштоқлик билан кутдилар. Бу даврда эса чемпионнинг рақиблари дам-бадам юксак шахмат жанглари-да тобланар, назарий ва практик жиҳатдан маҳорат оширардилар. Бир томонда юз берган ачаётган хотиржамлик, иккинчи томонда авж олган тиришқоқлик ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Биринчи бор совет гроссмейстери Михаил Ботвинник томонидан қўлга киритилган ва қарийб чорак аср давомида шараф билан ҳимоя қилиб келинган жаҳон шахмат чемпионлиги унвони совет шахматчилари армияси вояга етган бир пайтда кутилмаганда қўлдан кетди...

«Шахмат академиги М. Ботвиннис «Шарафли унвон» (жаҳон чемпионлиги—ред.) юртимизга қайтиши керак. Бунинг учун етарли кучга эгамиз. Мен бу ишончли кучларимиз сафида биринчи навбатда Б. Спасский, Т. Петросян, А. Карпов ва бошқаларни назарда тутяпман. Ҳозирги чемпион Р. Фишернинг шаштини қайтарадиган куч бошқа ҳеч бир мамлакатда йўқ», деган фикрда. Жаҳон чемпионлигига даъвогарларнинг Ленинград ва Бразилия зоналараро курашлари ҳам (1973 йил) шахмат академигининг фикрини тасдиқлади. Маълумки, Фишерга қарши яккама-якка кураш учун оёққа қалққан саккиз шахматчининг бештаси совет шахмат мактабининг вакилларидир. Б. Спасский ва Т. Петросян бу ҳуқуқ-ка ўтган жаҳон чемпионатларидаги натижалар интизоси туфайли эга бўлсалар, А. Карпов ва В. Корчной бу ҳуқуқни Ленинград курашида, Л. Полугаевский эса узоқ Бразилия жангида қўлга киритдилар. Худди шундай шарафга АҚШлик Р. Бирн, бразилиялик Э. Мекинг ва венгриялик Л. Портиш ҳам эга бўлдилар.

СССР шахмат биринчилигининг 41-чемпионати ҳеч қачон бу йилгидек кескин курашлар билан ўтган эмас. Бу курашда жаҳон чемпионлигига даъвогарлардан беш киши (Спасский, Петросян, Корчной, Карпов, Полугаевский) ва совет шахматининг барча пешқадам намояндалари қатнашдилар. Энди ҳеч бир совет шахматчисининг СССР чемпионатини четлаб ўтишига йўл қўймаслик ҳақида жуда фойдали ва истиқболли тартиб ўрнатилди. «СССР чемпионати, — деган эди В. Корчной ўзининг узоқ йиллик тажрибаларига суяниб, — ҳеч бир шахматчи учун биринчи қатнашувдаёқ совринни нақд қилиб қўядиган унча-мунча мусобақа эмас. Ҳаттоки Роберт Фишер ҳам камида иккинчи ҳамлагина бу курашнинг чўққисига чиқишга муяссар бўлиши мумкин...».

Чиндан ҳам СССР шахмат чемпионатлари ҳар қандай халқаро турнирдан юксак бўлса ҳам, лекин кам эмас.

Шахмат ишқибозларининг устма-уст омади келди. Дарвоқе, катта шахмат жанглари олдинда. Спасский — Бирн, Петросян — Портиш, Корчной — Мекинг, Карпов — Полугаевский жангларининг қайси бирини — шахмат бу ерда ёшларнинг ўқиш ва ҳаётдаги кўмакдошига айланган, Бухоро области командаси мактаб ўқувчиларининг XXIII спартакиадасида кетма-кет икки йилдан буён юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Пионер дружиналарининг анъанавий Бутуниттифоқ мусобақаларида ҳам Бухоро шаҳридаги 21-мактаб ёш шахматчилари мамлакатнинг ўнлаб командалари орасида учинчи погонага кўтарилганликлари бежиз эмас. Бухоролик 16 ёшли ўқувчи Шарифа Бердиева эса Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли куч синашди. Буларнинг ҳаммаси биринчи разрядли шахматчи Ўртоқ Чжен директор ва катта тренерлик қилаётган Бухоро область кўнгилли шлар спорт мактабининг катта ташкилотчилик ишлари самарасидир.

Ўзбекистон шахмат ишқибозлари қувончли воқеанинг гувоҳи бўлиб турибдилар. Яқинда Тошкентда республиканинг биринчи расмий чемпиони Азмиддин Ҳўжаев хотирасига бағишланган шахмат мемориалининг анъанавий мусобақалари ўз муддатида ва кучли рақиблар иштирокида бошлангани табриклаш лозим. Бу мусобақаларнинг ташкил этилиши ва ривожланишида Ўзбекистон шахмат федерацияси Президиуми ва унинг актив жонкуяри, шахмат бўйича СССР спорт мастери Мамажон Муҳиддиновнинг хизматларини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади.

Ўтган икки йил мобайнида Ангрен, Наманган ва Андижон шаҳарларида шахмат клубларининг очилиши маданий ҳаётимизнинг қувончли янгиликлари бўлди. Бироқ, бу клубларни, шу жумладан Тошкентдаги Марказий шахмат клубини ҳам қардош республикалардаги, чунончи Тбилисидаги Шахмат саройи ёки Ереванда-ги Шахмат уйи, қўйингчи, Горький автомобиль заводи қошидаги шахмат клубларининг кўркам иншоотн ва имкониятларига қиёс қилиб бўлмайди, албатта...

Афсуски, шахмат ҳақида ҳамма жойда ҳам доимо илиқ муносабатга дуч келавермаймиз. Шарқда, ҳусусан Ўрта Осиёда шатранж-шахматнинг қанчалик эътибор қозонганлигини эсласак, буюк аллома Ибн Синонинг бу мўъжизали ўйинга бўлган муҳаббати, гениал олим Беруниийнинг Шарқнинг буюк шатранж усталари ҳақида китоб битганлигини ёдга олар бўлсак ва ниҳоят, буюк маданий истиқболлар эшигини очган ажойиб замонамиз нафасини ҳис қила олсак, аҳли пешловчи санъат—шахмат бобида имконият даражасидан анча орқада қолаётганимизни сезиб қоламиз. Ҳеч сир эмаски, 13 миллионли Ўзбекистон аҳолиси кўпдан буён биринчи шахмат гроссмейстерини кутмоқда. Ҳа, оламга қанчадан-қанча машҳур алломалар, спортнинг бир неча тури бўйича жаҳон ва олимпиада чемпионларини етказиб берган ва йилига қарийб 5 миллион тонналик «оқ олтин» ундираётган жонажон республикамиз биринчи гроссмейстери орзиқиб кутмоқда! Умидворман, бироқ бу умидларнинг рўёбга чиқиши шахматнинг кенг оммавийлик касб этишига боғлиқ эмасми?

Шу нуқтаи-назардан қараганда, айрим областларда, шу жумладан республика пойтахти — Тошкент шаҳрида шахматнинг оммавийлигига етарли эътибор берилмаяпти. Тошкентда шаҳар шахмат олимпиада мусобақаларининг якунланмай қолиши ва бу йилги шахмат чемпионатининг ўтказилмай қолганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитети (бошлиғи Н. Войжонов) ва шаҳар шахмат федерацияси (президиум раиси А. Маҳмудов) ўзларининг муқаддас ишларидан четда қолмоқдалар.

СССР Министрлар Советининг Физкультура ва спорт комитети, СССР шахмат федерацияси Президиуми Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик қутлуғ юбилейи муносабати билан СССРнинг 42-шахмат чемпионати (биринчи лига) мусобақаларини келгуси йил Тошкентда ўтказишга қарор қилдилар. Табиийки, бу республикада катта шахмат байрамининг сабабчиси бўлади. Бизнинг ғўзал Тошкентимиз шундай юксак шахмат мусобақаларини ўтказишга мос ва жуда арзигулик шаҳардир. Республика Министрлар Советининг Физкультура ва спорт комитети (раиси Ғ. Пўлатов) ва Ўзбекистон шахмат федерацияси Президиуми (раиси Н. Тожиев) бу юксак ажойиб санъат байрами юксак савияда ўтишини таъминлаш билан бир қаторда республика шахмат шарафини ҳимоя қилиш, ёш ва талантли шахматчиларни тарбиялаш, вояга етказиш устида жиддий иш олиб боришлари лозим. Ахир, республика биринчи гроссмейстерини кутмоқда...

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

АТИРГУЛ

Атиргуллар тури 400 дан ортади. Асосан наъматанка пайванд қилиш йўли билан кўпайтирилади. Бунинг учун наъматакдан пайвандтаг тайёрланади. Меваси июль ойида, обдон пишган вақтда йиғиб олинади ва қумга кўмиб қўйилади. Вақти-вақти билан сув сепиб турилади.

Наъматак уруғи ҳайдалиб, ўғитланган ерга сепилади ва устига 2-3 сантиметр қалинликда қипиқ тортилади.

Уруғлар бир текисда униб чиқиши учун уни турли хашаротлардан сақлаш керак. Уруғ сепилган ерни шароитига қараб суғориб турилади. Баҳорда сепилган наъматан уруғи ҳам кўкаради. Кўкарган наъматаклар мунтазам равишда парвариш қилиниб, бегона ўтлардан тозалаб турилиши керак. Ниҳол 2-3 та барг чиқаргандан сўнг кўчат қилинади. Кўчатлар оралиғи 5.6 сантиметр чамасида бўлиши ва тез-тез суғорилиб турилиши керак. Бўйи 5.6 сантиметр бўлганда кўчат оралари чопиқ қилинади. Сўнг ҳар сотих ерга 3 килограмм селитра ёки 50 килограмм маҳаллий ўғит солиб 5-6 марта суғорилади.

Кўчат танасининг йўғонлиги бир сантиметрга етганда пайванд қилинади. Бундай наъматакларга президент, гербет, слава, луна, гуве, колумбия мадам галисман фарбен, дама, лени, мистирис, королева каби атиргуллар уланади. Пайванд қилиш техникаси ҳам оддий: наъматакни илдиз бўғими олдидаги тупроқни бироз очиб, сўнг унга йиллик бир дона куртан, пайвандтакка уланади ва кўмиб қўйилади. Бунинг учун пайвандтаг пўстлоғи «Т» ҳарфи шаклида кесилиб, бироз очилади ва уланган ери пўстлоқ ёки чипта билан маҳкам боғланади. Тутиб қолган куртан 10-15 кунда бўртиб, кўк пўстлоқ ҳосил қилади. Ортиқча шох, тиканлари қирқиб ташланиши керак.

Ниҳоллар яхши парвариш қилинса шу ёзнинг ўзидаёқ гулга киради. Пайванд апрель, май, сентябрь, октябрь ойларида ҳаво яхши келса, ноябрда ўтказилади.

Атиргулни пархеш, қаламча усулида ҳам кўпайтириш мумкин. Гулларга шира тушса, олтингугурт кукунига 10 процентли дуст аралаштириб, чанглаш тавсия қилинади. Баҳорда атиргулларнинг атрофи чопилиб, тозаланиши керак. Ёзда гулламаган кесма новдаларини қирқиб, янги новдаларнинг ўсиб гуллаши учун қулайлик яратилади. Кузда эса, атиргулларни қишлаши учун 5-10 сантиметр узунликда қирқиб, тупроқ ёки қипиқ билан кўмиб қўйилади.

М. ТУЯЧИЕВ.

табиатшунос.

СТАНОКЛАР ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бухоро ип газлама комбинатининг биринчи йигирув-тўқув фабрикасида машина-ускуналарни ишга туширишга олдидан синаб кўриш муваффақиятли тугалланди. Корхона эгалари — мастер ёрдамчилари, тўқувчилар, йигирувчилар бугун биринчи марта станокларни ишлатиб кўрдилар.

Ана шу масъулиятли иш топширилган кишилар орасида Нурзихон Пятницина ҳам бор эди. Н. Пятницина доимо ишлаш учун Бухорога кўчиб келганидан кейин бошқа тўқимачилар билан бирга машина-ускуналарни монтаж қилишда ёрдам берди, станокларни созлашда иштирок этди. У корхонада бир ярим йил ишлаб янги коллективда ҳам ҳурмат қозонди. Унинг ўртоқлари Нурзихон одамлар билан ишлай олишига, принципиаллигига юксак баҳо бердилар. Улар лентачи Пятницинани комбинат партия комитетининг аъзоси қилиб сайлаб, унга зўр ишонч билдирдилар.

Корхонани ишга туширишдаги ҳаракатлар ҳақида жиддий ишлаётган ёшлар ҳам кўп. Ҳар бир машинанинг узел ва деталларини текшириб кўриш, аниқланган нуқсонларни бартараф қилиш лозим. Тошкент, Фарғона, Наманганда ва Москва областидаги турдош корхоналарда ихтисос эгаллаб олган бухоролик тўқимачилар барча ишларни зўр ғайрат билан бажармоқдалар. Улар КПСС XXIV съезди Директивалари асосида барпо этилаётган янги тўқимачилик гигантини ишга туширишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

...Дастлабки машиналар ишга туширилди. Бухорода янги ҳосил пахтасидан дастлабки калава тайёрланди. Олдинда ҳали натта вазифадар турибди. Комбинатнинг биринчи навбати ишга туширилдиган кун тобора яқинлашмоқда.

Редактор М. КОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Болалар учун концерт. 10.10 — Ўқувчилар учун кинофильм. 11.00 — МОСКВА. 15.30 — Тошкент. Ҳужжатли фильм. 15.50 —Ахборот программаси 18.00 — ТОШКЕНТ 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Болалар учун қизиқарли учрашувлар. 18.45 Ахборот. 19.00 —Оталар сўзи — ақлнинг чўзи. 20.00 — Ахборот. 20.20—Ўн минут музика. 20.30 — «Правда» газетасининг снёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинлар саволларига жавоб беради (Москва). 21.15 — Экран қандаси (такрорий кўрсатув). 22.00 — «Вақт». 22.30— ЧАШМА. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00—ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.30 — «Замандас» программаси. 18.00 — МОСКВА. Характерли қиз (бадиий фильм). 19.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.30 — ТОШКЕНТ. 20.45 — Физкультура ва спорт (тележурнал). 21.15 — Талабларга мувофиқ концерт (Москва). 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30—Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—25/XI да Этик нийган мушук (кундузи), Танавор (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да Табассум ўғрилари (кундузи). Шоҳ Эдип (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/XI да Ҳалима, 26/XI да Лаҳма.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да Ойдин (кундузи), Беш кунлик кўёв (кечқурун).

КИНО

Эҳтиром ташрифи — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Қум карьери генераллари—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

Привалов миллионлари—«СПУТНИК» (17.00, 18.00, 20.00, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 13.30, 16.30, 19.15), «ДРУЖБА» (11.00, 14.15, 17.15, 20.15).

Жавоҳир малинасига ҳужум — «СПУТНИК» (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (тоқ соатларда).

Талантлар ва муҳлислар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Саодат (2 серия, ўзбек тилида) НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Булутлар ортида осмон — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Озодлик—нақадар нашъали сўз Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги
Х. С. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ СУД-ЭКСПЕРТИЗА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Суд-ёзувшунослик экспертизаси лабораториясининг илмий сектор мудири (юридик фанлари кандидати);

лабораториялар катта илмий ходимлари: моддалар, буюмлар ва материалларни криминалистик текшириш (биология фанлари кандидати), суд-ёзувшунослик экспертизаси.

лаборатория кичик илмий ходимлари: суд-ёзувшунослик экспертизаси (юристлар), трасологик ва баллистик текширишлар, моддалар, буюмлар ва материалларни криминалистик текшириш.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-115, Чилонзор кўчаси, 29-уй. Телефон — 77-23-55.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Б—277. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 01855